**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК**

**Нурмонова Мафтуна**

# Овқатланиш корхоналарига инновацияларни жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўлари ( “Оби Рахмат” МЧЖ мисолида)

**5А610101 - Хизматлар соҳаси ( ресторан иши)**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун**

**ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар: т.ф.д., профессор Ж.М.Қурбонов**

**САМАРҚАНД -2019**

**МУНДАРИЖА**


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш**............................................................................................ | 4 |
| **1. Боб** | **Инновациянинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши ривожланишнинг бош омили эканлиги ҳақида**.................. | 10 |
| 1.1 | Инновациянинг мазмун моҳияти ва Ўзбекистонда инновацияга бўлган муносабатлар таҳлили ..................................................... | 10 |
| 1.2 | Овқатланиш корхоналарида техник-технологик инновацияларнинг жалб этилиши унинг самарадорлигини ошириш омили эканлиги ........................................................... | 21 |
| **II Боб** | **Самарқанд шаҳар “Оби Рахмат” МЧЖ мисолида овқатланиш корхоналарига инновацияларни жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш**......... | 25 |
| 2.1. | “Оби Рахмат” МЧЖ мисолида овқатланиш корхонанинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари асосида иқтисодий фаолиятининг тавсифи................................................................... | 25 |
| 2.2. | Корхонада инновацияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган омилларни сўров ва баҳолаш методлари орқали аниқлаш............................................................................................ | 31 |
| 2.3. | Ресторанда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларни баҳолаш ва олинган натижалар таҳлили...................................... | 40 |
| **III Боб** | **“Оби Рахмат” МЧЖ га қарашли “Юлдуз “ ресторани мисолида техник-технологик инновацияларни қўллаб хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш.........................** | 48 |
| 3.1. | Корхонада жалб этилган техник-технологик инновацияларни самарадорлигини ҳисоблаш методи........................................... | 48 |
| 3.2. | Корхонада жалб этилган техник-технологик инновацияларни самарадорлигини ҳисоблаш, олинган натижалар таҳлили............................................................................... | 54 |
| 3.2.1. | Корхона совитиш жиҳозлари бўйича иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш......................................................... | 54 |
| 3.2.2. | «Юлдуз» ресторан савдосида замонавий автоматларининг қўлланилишидан олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.............................................................................. | 60 |
| 3.2.3 | Ресторан савдо залининг салқинловчи жиҳозларини қисман янгилашдан келадиган самарадорлигини ҳисоблаш................... | 62 |

| | | |
|---|---|---|
| 3.3. | Ресторанда хизмат кўрсатиш турларининг замонавий усулларини қўллаш.................................................................... | 65 |
| 3.4 | Корхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш................. | 73 |
| | **Хулоса ва таклифлар**................................................................... | 77 |
| | **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**............................................... | 82 |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги:** Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб борилияпти. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ундаги таълим, билим, илмга, умуман фаннинг ривожланишига бўлган муносабатини белгилайди ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳиятини ташкил этади. Худди шунингдек, интеллектуал мулк бўйича ишларнинг қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этганлигига боғлиқдир.

Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни хар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилияти.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадларбелгилаболинган.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш , мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29

ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони қабул қилинди

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига айлантирилди. Жумладан унга, халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш; маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий хамжамиятига интеграциясини амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2016 - 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида қарори қабул қилинди (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 89-модда), Ушбу дастур бўйича, хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида :

- хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш;
- 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш;
- 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва вазифалар ҳисоблансин деб белгиланган ва 2020 йилда яшаш ва овқатланиш хизматлари 1,8 маротаба кўпайтирилади ва мавжудлари модернизацияланиб техник-технологик жиҳатдан янгиланади.

Умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг ривожлантирилиши инсонларнинг турли хилдаги эҳтиёжларини қондириш вазифасини бажаришда умумий овқатланиш корхоналарининг техник-иқтисодий таъминланганлиги алоҳида рол ўйнайди. Улар ўзаро типлари, ўлчамлари, ҳамда кўрсатилаётган хизматлари билан фарқланадилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий талабга мос келмайди. Шунинг учун умумий овқатланиш корхоналарини техник–технологик модернизациясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш лозим бўлади.

Умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг модернизацияси – бу корхоналарни янгилаш, такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш, умумий овқатланиш хизматларини, уларни сифат кўрсаткичларига мос келтиришдан иборатдир.

Юқорида келтирилганларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки иктисодиётимизнинг кўп сохалари қаторида умумий овқатланиш ва савдо сохаси хам жадал равишда ривожланиб бормокда. Бундай ривожланишда ривожланишнинг турли йўлларини танлаш билан ундаги овқатланиш ва савдо хизматлари сифатини ошириш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг объекти ва предметининг белгиланиши**: Республикада, хусусан Самарқанд шаҳрида фаолият олиб бораётган овқатланиш корхоналари субъектлари, ҳамда “Оби Рахмат” МЧЖда овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш тадқиқотниннг **объекти** бўлса, унинг **предмети** Самарқанд шаҳар овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш ва унинг рақобат бардошлигини таъминлаш билан боғлиқ илмий-назарий ва услубий муносабатларни ташкил қилади.

**Тадқиқот мақсади:** овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш йўли билан ривожлантириш ҳисобланади.

Диссертация мақсадидан келиб чиқган ҳолда қуйидаги **вазифалар** қўйилган:

- умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар сифатини омиллари ва сифатини назоратини олиб бориш, назарий муаммолари таҳлилини олиб бориш;
- овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш билан истеъмолчилар сонини ошириш;
- умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш;
- умумий овқатланиш корхонларида кўрсатиладиган хизматларни яхшилашда замонавий технологиялардан фойдаланиш билан бирга хизмат кўрсатувчи официантлар хизматини яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ишчи-ходимлар мехнати сифатини яхшилашда унинг рақобатбардошлигини ошириш учун кўрсатиладиган хизматларни ходимлар меҳнати сифати билан баҳолаш ва ҳисоблаш

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:**

Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанида кўрсатиладиган хизматлар ва унда истеъмолчилар учун тайёрланадигаан маҳсулотлар сифатини тубдан ўзгартиришда замонавий инновацион метод ва воситалардан фойдаланиш билан рақобатбардошлигини ошириш;

Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторани мисолида умумий овқатланиш корхоналарида ҳозирги вақтгача қўлланиб келинаётган умумий овқатланиш корхоналаридаги жиҳозларни эскиларини янгисига алмаштириш, хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичларини такомиллаштириш ва бошқалар.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили:** диссертация ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент

Ш.М.Мирзиёевнинг Фармонлари, Қарорлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлари, шунингдек тадқиқот ишида мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган методологик тамойиллари асос қилиб олинди.

Овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, таомлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини яхшилаш билан корхона рақобат бардошлигини ошириш масалалари бўйича ҳозирги вақтда мамлакатимизда ва чет элларда илмий тадқиқотлар олиб борилмокда. Жумладан, чет эл олимлари томонидан Д. И. Лобанов, М. И. Баранов, М. В. Виноградова, З. И. Панина ва бошқаларнинг илмий тадқиқотида овқатланиш корхоналарини ривожлантириш бўйича олиб борган тадқиқотлари мисол була олади,

Худи шунингдек, юртимиз олимлари М.М.Мухаммедов,, М. К. Пардаев, Ж. М. Курбонов, Р. Ж. Курбонова ишларида хам умумий овқатла-ниш корхоналарини ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга багишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Албатта, ушбу мавзу бўйича ўзимизда ва чет элда олиб борилган тадқиқотлар ўз кўлами билан кенг бўлишига карамай, уларда айнан корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича олиб борилган ишлар бизнингча етарли даражада эмас.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:** диссертацияни бажаришда иш доирасидаги тадқиқотлар давомида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш каби бир қатор усулларидан фойдаланилди

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:** тадқиқотнинг назарий аҳамияти хизмат кўрсатиш соҳасидаги ресторанлар ишини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда, уни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса Ўзбекистонда, хусусан Самарқанд шаҳрида умумий овқатланиш соҳаси ресторанлар ишида модернизацияни оширишида, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнларида фойдаланишлари мумкин. “Овқатланиш жиҳозлари эксплуатацияси”, “Ресторан ишини ташкил этиш”, ”Умумий овқатланиш технологояси”, “Савдо сервиси” каби фанларни ўқитишда услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади..

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидаагилардан ибоарт:

•Инновациянинг мазмун моҳияти ва Ўзбекистонда инновацияга бўлган муносабатлар таҳлили бажарилиб, овқатланиш корхоналарида техник-технологик инновацияларнинг жалб этилиши унинг самарадорлигини ошириш омиллари аниқланди;

•Самарқанд шаҳар “Оби Рахмат” МЧЖ овқатланиш корхонасининг умумий иқтисодий фаолиятининг таҳлили асосида, корхонада инновацияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган омилларни сўров ва баҳолаш методлари орқали аниқланди;

•Ресторанда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар бахоланиб, унда техник-технологик инновацияларни қўллаб хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш кўрсатилди;

•Корхонада тадбик этилган техник-технологик инновацияларни самарадорлигини ҳисоблаш усули ёрдамида, унинг ишлаб чиқаришида янги жиҳозлар ва хизмат кўрсатишда унинг турларининг замонавий усулларини қўллаш билан корхона самарадорлигини ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи:** диссертация кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Унда та жадвал, та расм мавжуд. Ишнинг умумий ҳажми бетдан иборат.

## 1. Боб. Инновациянинг ишлаб чиқаришда жалб этилиши ривожланишнинг бош омили эканлиги ҳақида.

### 1.1. Инновациянинг мазмун моҳияти ва Ўзбекистонда инновацияга бўлган муносабатлар таҳлили

Ҳозирги вақтда амалиётда инновация тушунчаси кенг қўлланилмоқда. "Инновация" инглизча сўз бўлиб, янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларни ҳаракат тизимидир.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувдир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида ривожланиб истиқболли бўлади.

Фан ва техниканинг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши туфайли модернизация жараёни вужудга келади. Ижтимоий талаб ва эҳтиёжларнинг ўсиши таъсирида фан ва техника жадаллашади. Бу ўз навбатида табиий кучлар ва ресурсларни инсонга хизмат қилдириш, ишлаб чиқаришда зарур маълумотларни аниқ мақсадни кўзлаб қўллаш имконини беради.

Фан ва техниканинг жадаллаштиришлиши туфайли:

- меҳнат унумдорлигини оширишга эришилади;
- асбоб-ускуналардан, моддий ресурслардан хом ашёлардан оқилона фойдаланиш зарурати янги технологиянинг вужудга келишини таъминлайди;
- ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш имкониятларини яратади;
- техника тараққиёти мутахассисларни касбий маҳоратини ўзгартиради, шунингдек, янги касблар вужудга келишини таъминлайди;

Фан ва техника тараққиёти ўзаро бир-бирини тақозо этадиган икки шаклда амалга оширилади:

1. Фан ва техниканинг анъанавий негизларини нисбатан секинроқ ва қисман такомиллаштиришни билдирувчи эволюцион шакл;

2. Принципиал жиҳатдан янги техника ва технологияни вужудга келтирадиган, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган инқилобий шаклда.

Иқтисодиётни ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи воситаси Фан техника тараққиёти (ФТТ)ни бутун чоралар билан жадаллаштиришни зарурат қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши роботлаштиришни, компютерлаштиришни кенг миқиёсда амалга оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда “Бутун мамлакатни компютерлаштириш” индекси тушунчаси мавжуд. Бу соҳа бўйича бутун жаҳон иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Бу форум дунё мамлакатларидаги техника-технологиянинг ривожланиши даражасини кўрсатиб берди. Индекснинг ўртача даражаси “0”га тенг деб олинди. Унга кўра дунё мамлакатларининг компютерлашиш ислоҳатлари қуйидагича: компютерлаштириш индекси бўйича: АКШ - 2.0; Тайван - 1,5; Япония – 1.0; Испания- 0,5; Хиндистон - 0 ва колганлари индексда экан.

Ҳозирги вактда ривожланган давлатларда Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Шунинг учун миллий модел: Шахс – жамият-таълим тизими - фан - ишлаб чиқариш деб қабул қилинди.

Фан-техникани жадаллаштириш учун:

- илм-фанни устувор йўналиш сифатида ривожлантириш;

- илмий ходимлар таркибини такомиллаштириш;

- миллий иқтисодни ривожлантиришда аҳамиятли ихтироларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш;

-саноатни етакчи тармоқларини, энг аввало, машинасозлик махсулотларини ўсиш суръатларини ва янгиланишини таъминлаш;

- янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;

- инсон омилидан унумли фойдаланиш, бошқариш ва таълим тизимини қайта қуриш каби тадбирларни амалга ошириш зарурдир.

Фан-техниканинг ҳозирги даврдаги асосий йўналишлари:

1. Компютерлаштириш.
2. Энергетикани ҳусусан, қуёш энергиясини ривожлантириш.
3. Транспорт ва алоқанинг янги турларини жорий қилиш.
4. Янги техника ва технологиялар (нанотехнологиялар)ни ўзлаштиришни жадаллаштириш.
5. Янги конструкцион материалларни вужудга келтириш ва фойдаланиш.
6. Биотехнология, чиқиндисиз технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.
7. Алоқа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида космосдан кенг фойдаланиш ва бошқалар ҳисобланади.

Жаҳон халқаро майдонида ҳамда бозорларида Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юқори технологик тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантиришда юқори фаоллик қайд этилаяпти ва бу ишлаб чиқаришининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражаси, ундаги интеллектуал мулкнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун, барча мамлакатлар ўз интеллектуал мулкларини ривожланиши борасида, айниқса унинг давлатда ва бутун дунёда ҳимояланишига катта эътибор берадилар.

Агар биз инсоннинг ақлини, тафаккурини, билимини ва илмини, заковатини, қобилиятини ва ҳ.к. унинг интеллекти десак, унда ана шулар ёрдамида яратилган, ижод этган маҳсулот ёки мулк унинг интеллектуал мулки деб юритилади.

Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи бўлиб инсоннинг илмий-тадқиқот фаолияти, инсон яшаб турган жамиятнинг бу фаолиятга, айниқса,

билимига, илмига, умуман фанга техникавий ривожланишга бўлган муносабати ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб борилияпти. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ундаги интеллектуал мулк бўйича ишларнинг қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ер юзидаги минглаб илмий муассаса ва корхоналарда, мунтазам равишда милионлаб илмий тадқиқот натижалари олиниб, таҳлил этилиб инсон ҳаёти – амалиётига тадбиқ этиб – башарият цивилизациясининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ўзининг ривожланган интеллектуал мулки материал баъзаси кенг илмий фонди, илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган юқори малакавий илмий кадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси илмий-изланиш комплексини жами соҳалар профили бўйича куплаб академик, олий таълим ташкилотлари ташкил топган.

Бунда илмий-изланиш институтлари, олий ўқув юртлари илмий-изланиш бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва экспериментал корхоналар, ахборот-ҳисоб марказлари мавжуд. Жумладан, юртимизда ҳозирги вактда 85 та олий таълим муассасаси бўлиб, унинг 21 таси университет, 35 таси институт, 2 таси академия, 18 таси ОТМ филиали, 1 таси консерватория, 1 таси олий мактаб, 7 таси хорижий олий таълим муассасалари филиалларидир.

Ўзбекистон ўзининг фан ва технологиялари ривожланишини дунё ҳамжамияти билан қадамма-қадам ҳамкорликда, ўзаро келишувида олиб бормоқда. Ҳозирда, Ўзбекистон Рио Декларациясига, БМТнинг иқлим ўзгариши, биологик турли хиллик, саҳроланишга қарши конвенциясига, озон қатламини ҳимоялаш Вена конвенциясига, хавфли чиқиндиларнинг

ташилиши ва чиқарилишини назорат қилиш Базен конвенциясига қўшилиб узаро муносабатларни ратификация қилган. Бундан ташқари, яна 12 дан кўп атроф-муҳитни сақлаш бўйича халқаро битимлар ва ҳамкорлик шартномаларига қўшилган. Масалан: “Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзолаган Саноат намуналарининг халқаро тавсифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июлда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида”ги қонунлари чиқарилди.

Ўзбекистон ҳукумати фаоллигида Орол денгизи ва Орол денгизи бассейнида экологик муҳитни яхшилаш учун концепция ишлаб чиқилди ва бу концепция 1994 йили Марказий Осиё давлатлари томонидан қабул қилинди ва бу ҳақда Халқаро конференция (1995 йил сентябр Нукусда) ўтказилди ва Нукус Деклорацияси қабул қилинди.

Юртимиз ҳаётида турли хилдаги Миллий дастурлар ишлаб чиқилганки, уларнинг асосий вазифаси иқтисодиётимиз асосий тармоқларини технологик модернизация қилиш, экспорт потенциалини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий хамжамиятига интеграциясини амалга оширишдан иборатдир.

Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни хар томонлама кўллаб-кувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони қабул қилинди.

Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шаклларини амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди. Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди. Вазирлик давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси бўлади, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини

мувофиқлаштиради.

Инновацион технологиялар ҳисобига ривожланишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқувчи, шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи ихтисослаштирилган идораларни ташкил қилиш бўйича жаҳон тенденциясини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартиришга, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига унинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишга кўмаклашади; инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади; иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш; қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида:энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ; ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази”“Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини жорий этиш вазифалари кўрсатиб утилди.

Фаолиятда бир-бирини такрорлашни истисно этиш, ягона ёндашувларни таъминлаш мақсадида 2018 йил 1 январдан бошлаб Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, Фан ва технологиялар агентлиги тугатилди.

Ташкил этилган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича ҳисобот беришнинг шаффоф тизимидан фойдаланган ҳолда инновацион ғоялар ва

уларни ишлаб чиқишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаси ҳисобланади.

Худди шунингдек, технопаркларни ташкил этиш мақсадида Фанлар академияси ва Олий аттестация комиссиясининг фаолиятини танқидий ўрганиш топширилди. Фармонда инновацияларни жорий этишнинг қонуний асосларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан, илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ҳамда қўллаб-қувватлаш шаклларини, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни белгиловчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Ушбу фармонни ижро этиш юзасидан 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарори қабул қилинди ва унга мувофик вазирликнинг ташкилий тузилмаси (1-расм), вазирлик бошқарув ходимларининг чекланган сони (82 нафар), марказий аппарати тузилмаси (2-расм), вазирлик тўғрисидаги низом (3- расм), инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси, унинг Кузатув кенгашининг таркиби ва инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгиловчи Низомида:. Вазирлик ва унинг марказий аппарати вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари, жавобгарлиги, Вазирлик фаолиятини ташкил этиш, фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

ва иш индикаторлари,  молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш,ҳисобдорлиги белгилаб берилди.




**1 – расм.  Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкилий тузилмаси**




**2 – расм.  Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси**




**3 – расм. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илғор технологиялар марказининг тузилмаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги ПҚ-3674-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида қарорига асосан: илмий ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини фаоллаштириш, фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва кўллаш, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб-чиқиш ва жорий этишда илмий-инновацион салоҳиятдан ва илмий лаборатория базасидан самарали фойдаланиш бўйича шароитлар яратиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар Академияси хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонасини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига айлантирилди.Жумладан унга, халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш;

маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш белгиланган.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Юқорида келтирилган манбалардан маълум бўлдики, Ўзбекистон сўнгги йилларда интеллектуал мулк бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келмоқда. Замонавий саноат ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят муҳим илмий ва технологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллигини рағбатлантирилишини, уларнинг саъй-ҳаракатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника, айниқса интеллектуал мулкни муҳофазаси соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Бундай натижалар, албатта илмий изланиш ишлари юртимизда давлат томонидан тўғри йўналтирилганлигини натижасидир.

Юқорида қайд этилган барча ташкилий-амалий ишлар Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг яратилиши унинг муҳофазаси бўйича қилинган муҳим ишлар ҳисобланиб, унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади. Пировард натижада, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион йўли иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мамлакат барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг омили бўлишига ишонамиз.

## 1.2.Овқатланиш корхоналарида техник-технологик инновацияларнинг жалб этилиши унинг самарадорлигини ошириш омили эканлиги

Модернизация ҳолати биринчи навбатда корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқади. Чунки унинг натижасида олинадиган ишлаб чиқариш маҳсулоти (хизмат), унинг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Маълумки, инновация деганда модернизациянинг бош омили (ингл.innovation янгилик киритиш, новаторлик) янги жараён, маҳсулот ёки хизматнинг “янгилигига берилган инвестиция” натижасида амалиётга тадбиғини тушунамиз. Шунинг учун модернизациялашдагидек инновацион жараённинг (фаолияти) ривожланишига ижтимоий-маданий, иқтисодий, интеллектуал ва техник - технологик ва бошқа омиллар таъсир этади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришни янги инновацион ютуқлар асосида жадаллаштириш ва иқтисодиёт таркибини такомиллашишига боғлиқ бўлади. Бундай вазифаларни бажаришда унинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш ва мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади.

Корхона иқтисодиётининг ривожланиши унинг модернизациялаш ҳолатига боғлиқлигини юқорида кўриб чиқдик.

Россия илмий изланиш институти (РНИИСИ) томонидан корхоналарни модернизациялаш учун унинг инновацион фаолиятига

қаршилик кўрсатувчи ва уларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омилларини аниқлаш омиллар гуруҳи, инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар ва инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омилларни ишлаб чиқишган. Ушбу омилларни такомиллаштирган шаклда қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Корхона инновацион фаолият (жараён)га таъсир этувчи асосий омиллар**

| Омиллар гуруҳи | Инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар | Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи факторлар |
|---|---|---|
| Иқтисодий, техникавий | Инновацион лойихаларни молиялаштиришда маблағ-ларнинг етишмаслиги,моддий ва илмий техника базанинг етишмаслиги, жорий ишлаб чиқариш бўйича кизикиш-ларнинг устунлиги, заҳира қувватларининг камлиги | моддий –техник ва молиявий заҳираларнинг, зарурий хужалик ва илмий-техник инфратузилмаларнинг борлиги |
| Сиёсий, ҳуқуқий | антимонопол, солиқ, аморти-зация, патент лицензиялаш қо-нунлари томонидан чекланиш. | Инновацион фаолиятни кенгайтириш бўйича қонун-ларнинг чора тадбирлари (айникса имтиёзлар), иннова-циянинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши |
| Ижтимоий психологик маданий | Ходимлар статусини ўз-гартириш, янги иш излашга мажбур бўлиш янги ишни қайта режалаштириш, фао-лият турини қайта дастурлаш, аҳлоқ нормалари ва шакл-ланган удумларнинг бузили-ши мавҳумликдан қўрқув, омадсизлик учун жазоланиш-дан қўрқиш каби оқибатларга олиб келувчи ўзгаришларга қаршилик қилиш | Инновацион жараён-ларда қатнашувчиларни маънавий рағбатлантириш, умумий тан олиш, ўз-ўзини намоён қилишда имкониятлар билан таъминлаш. Мехнат жамоасида психологик муҳитни яратиш. |
| | Қисқа муддатда ўз-ўзини | Ташкилий тузилманинг |

| | | |
|---|---|---|
| Ташқилий-бошқарув-ли | қоплашга йўналтириш, инновацион фаолият бўйича қатнашчиларнинг қизиқиш-лари билан мослаштириш-нинг мураккаблиги режалаш-тиришда талабчанлик | эгилувчанлиги, бошқаришда демократик услубга ёндашиш, горизонтал ахборот оқимининг устуворлиги, ўз ўзини режалаштириш, корректировкаларни ўтказиш, автономия, мақсадли ишчи гу-руҳларни шакллантириш |

Жадвалда келтирилганлардан кўриняптики, ҳақиқатдан ҳам улар таркибида асосий ўринни иқтисодий, ижтимоий-маданий, интеллектуал ва техник-технологик ва бошқалар ўрин эгаллайди.

Демак, корхона тадбиркорлик фаолияти амалиётида модернизация инновациянинг тадбиғида, уларга қандай омиллар қаршилик кўрсатиши ва қайсиларини жадаллаштиришимизни билишимиз учун уларни амалиётда синаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз

Маълумки хизмат сифатини шакллантириш бир қатор омиллар таъсирида амалга оширилади. Хизмат сифатини шакллантиришдаги барча омиллар уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ омили хизмат сифатини бажариш ва қанчалик хизматни комплекс бажаришга тайёргарлик ( инновацион хизмат турларини ишлаб-чиқиш; конструкторлик ва технологик тайёргарликни такомиллаштирилгани; хизматни бажаришда технологик жараёнларнинг самарадорлиги, материалларни сифати қандай, у ёки бу хизматни бажаришда қўлланаётган технологиянинг инновационлиги, қўлланилаётган жиҳозлар замонавий техник даражага тўғри келиши ҳисобга олинади.

Иккинчи гуруҳ омили мижозларга хизмат сифатини таъминлашга таъсир қилади. Маълумки, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш асосий вазифа бўлиб, хизмат оладиган буюртамчига минимум вақт сарфланади. Шунинг учун бу гуруҳ омиллари орасида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш қандай даражада таъминланганлиги (бир жойда кўрсатилаётган хизмт тури ва гуруҳ сони);

- сервис сохаси корхонаси хизматни истеъмолчига етказиб бериш услублари (хизмат кўрсатиш шакллари)ни қўллайди, ушбу шаклни истеъмолчи қандай баҳолайди, сервис соха корхонасини жойлашиши; қўлланилаётган иш режими; мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва этика даражаси.

Учинчи гуруҳ омили хизмат бажариш хамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қилади. Ушбу гуруҳ омиллардан энг ахамиятлилари қуйидагилар ҳисобланади:

- персоналнинг касбий ёки малакавий даражаси;
- замонавий меҳатни ташкил этиш даражаси (меҳнатни ажратиш ва кооперация шакллари, меҳнат усуллари , ахолига, ташкилотларга хизматни ташкил этишни бажаришни ташкиллаштириш);
- персонални ишга йўналтириш (мотивация);
- рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий шакллари; персонални мансаб лавозимини ўсишларини таъминлаш; меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиш.

Агар биз, хизмат сифатини махсулот ва хизмат кўрсатиш сифатига булсак, унда юкорида келтирилган таъсир этувчи омилларнинг биринчи гурухи махсулотлар сифатини шакллантирса, кейинги икки омиллар гурухи хизмат кўрсатиш сифатини ташкил этади.

Юкорида келтирилганлардан хулоса килган холда, тадкикотимизда омилларнинг ахамиятлилигидан келиб чикиб, куйида овқатланиш корхоналарига инновацияларни жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалаларини кўриб чиқамиз.

## II Боб. Самарқанд шаҳар “Оби Рахмат” МЧЖ мисолида овқатланиш корхоналарига инновацияларни жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш

### 2.1. “Оби Рахмат” МЧЖ мисолида овқатланиш корхонанинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари асосида иқтисодий фаолиятининг тавсифи

Мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

2-жадвал

**Самарқанд вилоятида 2017-2018 йиллардаги хизмат кўрсатиш сифатининг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари**

| **Хизмат турларинг ривожланиш даражаси (жами хизматлардаги улуши, %)** | **2017 йил** | **2018 йил** | **Фарқи (+,-)** | **Ўзгариши %** |
|---|---|---|---|---|
| Савдо ва умумий овқатланиш | 21,6 | 27,4 | 5,8 | 126,9 |
| Транспорт хизматлари | 21,5 | 18,3 | -3,2 | 85,1 |
| Алоқа ва ахборотлаштириш | 4,2 | 7,3 | 3,1 | 173,8 |
| Молия ва банк хизматлари | 7,5 | 7,2 | -0,3 | 96,0 |
| Туристик ва экскурсион хизматлар | 0,5 | 0,6 | 0,1 | 120,0 |
| Мехмонхона хизматлари | 0,5 | 0,5 | - | 100,0 |
| Комунал ва маиший хизматлар | 18,7 | 17,0 | -1,7 | 90,9 |
| Автомобил ва техника таъмирлаш хизматлари | 2,6 | 1,9 | -0,7 | 73,1 |
| Бошқа хизматлар | 22,9 | 19,8 | -2,3 | 86.5 |
| **Жами** | **100.0** | **100.0** | **-** | **-** |

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан

тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Иқтисодий даража қанчалик юқори ва индустриал асос ва меҳнат унумдорлиги  юксак бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ортиб боради.

Республикамиз иқтисодиётида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам хизматлар соҳасини устувор даражада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўларок, вилоятимиз иқтисодиёти хизматлар кўрсатиш сифатлари яхшиланиб бу соҳанинг ўсиш тенденциялари кузатилмоқда

Вилоятда 2017 йилга нисбатан 2018 йилда уйидаги хизмат турларида юқори ўсиш суръатлари алоқа ва  ахборотлаштиришда (173,8), савдо ва умумий овқатланишда (126,9),  туристик ва экскурсион хизматларда (120,0) кузатилди. Самарқанд вилоятида 2017 -2018 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1229,9 минг кишидан 1268,1 минг кишига ортган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 3,1 фоизга фоизга ўсди ва деярли 1268,1 минг кишига етди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари транспорт ва алоқада (110.7фоиз), қурилишда (104,0 фоиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (103,2 фоиз), саноатда (102.8 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (102,5), қайд этилди.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёт сифатини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада

мазмунли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

3-жадвал

**Самарқанд вилоятида 2017-2018 йиллардаги иқтисодиётда банд аҳоли сони кўрсаткичлари**

(минг.киши)

| № | Соҳа ва тармоқлар | 2017 йил | 2018 йил | Фарқи (+,-) | Ўзгариши % |
|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | **1229,9** | **1268,1** | **38,2** | **103,1** |
| | шу жумладан | | | | |
| 1 | Кишлоқ хўжалигида | 415,9 | 423,8 | 7,9 | 101,9 |
| 2 | Саноатда | 119,3 | 122,6 | 3,3 | 102,8 |
| 3 | Қурилишда | 65,7 | 68,3 | 2,6 | 104,0 |
| 4 | Транспорт ва алоқада | 32,6 | 36,1 | 3,5 | 110.7 |
| 5 | Савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида | 106,0 | 108,6 | 2,6 | 102,5 |
| 6 | Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат | 34,7 | 35,8 | 1,1 | 103,2 |
| 7 | Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот | 89,5 | 91,6 | 2,1 | 102,3 |
| 8 | Халқ таълими, маданият ва саънатда | 178,3 | 181,4 | 3,1 | 101,7 |
| 9 | Суғурта, молия, ва нафақа жами | 4,6 | 4,8 | 0,2 | 104,3 |
| 10 | Бошқарув органларида | 17,9 | 18,3 | 0,4 | 102,2 |
| 11 | Бошқа соҳа ва тармоқларда | 165,4 | 176,8 | 11,4 | 106,9 |

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Ўзбекистонда ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эхтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юқорида келтирилган савдо корхоналарининг ичида ҳозирги вактда нисбаттан ривожланиб бораетган “Оби-Рахмат МЧЖ савдо ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади.

4 - жадвал

**“Юлдуз” ресторани асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили (модернизация инновациядан сўнг) 2018 йил**

(минг сум)

| № | Кўрсаткичлар | 2017й | 2018й | Фарқи | 2017й 2018й % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ялпи товар айланиши | 12142 | 44542 | +32400 | 366,8 |
| 2 | Чакана товар айланиши | 10582 | 44212 | +33630 | 417,8 |
| 3 | Ўз ишлаб чиқарган маҳсулоти бўйича айланма | 1023 | 3214 | +2191 | 314,1 |
| 4 | Фойда | 930 | 1010 | +80 | 920,7 |
| 5 | Асосий фондларнинг ўртача қиймати | 31245 | 45678 | +1443 | 146,2 |
| 5.1 | Фаол қисми | 3360 | 4242 | +146,1 | 126,2 |
| 6 | Ўрин миқдори | 200 | 250 | +50 | 12,5 |
| 7 | Ўртача рўйхат,киши | 46 | 98 | +52 | 213,0 |
| 7.1 | Савдо ишлаб чиқариш персоналлари | 28 | 62 | +34 | 221,4 |
| 8 | Асосий фондларнинг фонд қайтими | 0,38 | 0,97 | +0,59 | 255,2 |
| 9 | Асосий фондларнинг фаол қисмининг фонд қайтими | 0,30 | 0,75 | +0,45 | 250 |
| 10 | Асосий фондларнинг фонд сиғими | 2,57 | 1,02 | -1,55 | 39,6 |
| 11 | Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги | 3,28 | 1,32 | -1,96 | 40,2 |
| 12 | Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги | 0,10 | 0,09 | -0,01 | 90 |
| 13 | Асосий фондларнинг фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти | 0,003 | 0,020 | +0,017 | 666,6 |
| 14 | Бир ўриндан олинган фойда | 0,50 | 3,72 | +3,22 | 744 |
| 15 | Бир ўринда чакана товар айланмаси | 52,91 | 176,8 | +123,8 | 334,1 |
| 16 | Бир ўринда ишлаб чиқариш маҳсулоти бўйича айланмаси | 5,11 | 12,85 | +7,74 | 251,4 |
| 17 | Ўринлар сони ҳисобда: бир ишчи учун | 4,34 | 2,55 | -1,79 | 58,7 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Бир савдо ишлаб чиқариш учун | 7,14 | 4,03 | -3,11 | 56,4 |
| 18 | Асосий фондларнинг самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи | 0,001 | 0,02 | +0,02 | 2000 |
| 19 | Фонд қуролланганлиги | 679,2 | 466,1 | -213,1 | 68,62 |
| 20 | Фонд таъминоти | 120 | 68,42 | -51,58 | 57,01 |

Корхонанинг кейинги йиллардаги ривожланиши учун бизнинг фикримизча купгина модернизация ишларини олиб бориш керак булади. Шунинг учун биз корхона савдо шахобчаларининг ишида келгусида самарали замонавий жиҳозларини қўлланилиши максадида ушбу ишнинг максадидан келиб чикган холда аввал замонавий автоматлар тавсифи ва қўлланилиши билан ианишиб чикиб сунг “Оби-Рахмат” МЧЖ га қарашли Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанини асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили (модернизация инновациядан сўнг) 2018 йил ҳолатини кўриб чиқамиз.

Корхонанинг кейинги йиллардаги ривожланиши учун бизнинг фикримизча барча асослар мвжуд бўлсада, лекин келгусида купгина модернизация ишларини олиб бориш, жумладан истеъмолсиларга кўрсатилаётган овқатланиш ва савдо хизматлар сифатини яхшилаш лозим бўлади

Тадқиқот объекти ҳисобланган “Оби-Рахмат” МЧЖга қарашли Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанини моддий-техника базасининг асосий фонди 5 жадвалда 2018 йилдаги ҳолати келтирилган.

Корхона ўзининг махсуслик хусусиятларидан келиб чиқган ҳолда унинг асосий фондининг бир қисми (машиналар, жиҳозлари ва асбоблари) ундаги ишлаб чиқаришдаги овқатлар, ярим тайёр маҳсулотлари хом ашё ва бошқаларнинг ишлови учун қўлланилса, қолганлари унинг реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш учун фойдаланилади.

5- жадвал

**“Оби-Рахмат” МЧЖга қарашли Самарқанд шаҳар “Юлдуз” ресторанини моддий-техника базаси**

| № | | Асосий фондларнинг номи | Баланс қиймати | Ой бошидаги эскириш қиймати | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ОС-9 | Гуштқиймалагич НФУ | 11796,00 | 8654,00 | 3142,00 |
| 2 | Ос-17 | купиртиргич | 50785,00 | 20595,00 | 30190,00 |
| 3 | Ос-16 | Хамиркоргич ТМН-1М | 52759,00 | 21401,00 | 31358,00 |
| 4 | Ос-80 | Идиш ювиш машинаси | 5119091,00 | 298610,00 | 4820481,00 |
| 5 | Ос-69 | Электрофритюрниц ФСЭМ-20 | 4682095,00 | 273121,00 | 4408974,00 |
| 6 | | Қайнатиб пишириш қозони КПКИ-60 | | | |
| 7 | Ос-15 | Ковуриш шакафи ШПЭС-М3 | 22097,00 | 6781,00 | 15316,00 |
| 8 | Ос-68 | электр това СЭСМ-0,5 | 4682095,00 | 273121,00 | 4408974,00 |
| 9 | Ос-67 | Электроплита ПЭСМ ИМ ( 2дона) | 9188258,00 | 535984,00 | 8652274,00 |
| 10 | Ос-8 | Холодилник камераси ШХ 1,056 | 4123,00 | 3244,00 | 879,00 |
| 11 | Ос-6 | Холодильник прилавкаси Бирюза | 8127,00 | 8127,00 | |
| 12 | Ос-46 | Холодильник витрина | 3419023,00 | 256490,00 | 3162533,00 |
| 13 | Ос-5 | Холодильник шкафи | 2860,00 | 2860,00 | |
| 14 | Ос-42 | Кондиционер ВЕКО | 821643,00 | 133515,00 | 688128,00 |
| 15 | Ос-88 | Еғочли журнал столи | 553568,00 | 41518,00 | 512050,00 |
| 16 | Ос-83 | Кресло (2дона) | 3915934,00 | 228429,00 | 3687505,00 |
| 17 | Ос-59 | Кроват (2дона) 1,6х2,30 | 619800,00 | 54232,00 | 565568,00 |
| 18 | Ос-72 | Ошхона столи (8дона) | 6628712,00 | 386676,00 | 6242036,00 |
| 19 | ос-74 | Деворга осадиган темир шкаф (3дона) | 4656557,00 | 271631,00 | 4384926,00 |
| 20 | Ос-80 | Ёғочли сервант | 2372436,00 | 177934,00 | 2194502,00 |
| 21 | Ос-57 | Стол(20дона) | 3099000,00 | 271162,00 | 2827838,00 |
| 22 | Ос-92 | Овқатланадиган стол (4дона) | 528840,00 | 33052,00 | 495788,00 |
| 23 | Ос-84 | Овқатланадиган ёгоч столи | 7908121,00 | 593109,00 | 7315012,00 |
| 24 | Ос-94 | Темирли столлар (100дона) | 4016000,00 | 33467,00 | 3982533,00 |
| 25 | Ос-85 | Мато билан копланган ёғочли стуллар (60дона) | 13156238,00 | 986718,00 | 12169520,00 |
| 26 | Ос-35 | Темирли стуллар (100дона) | 3074940,00 | 384371,00 | 2690569,00 |
| 27 | Ос-58 | Ярим юмшоқ стуллар (120дона) | 14131440,00 | 1236501,00 | 12894939,00 |
| 28 | Ос-39 | Утирғизила диган стул-лар 100дона) | 2582500,00 | 543448,00 | 2039052,00 |
| 29 | Ос-62 | Идишлар учун тум-бочка 1дона) | 175610,00 | 15366,00 | 160244,00 |
| 30 | Ос-53 | Идишлар учун тум-бочка 9дона) | 855324,00 | 74841,00 | 780483,00 |
| 31 | Ос-61 | Хонтахта (2дона) 0,80х1,50 | 196270,00 | 17173,00 | 179097.00 |
| 32 | Ос-60 | Хонтахта (4дона)1,10х1,40 | 471048,00 | 41217,00 | 429831,00 |
| 33 | Ос-91 | Идишлар учун шкаф | 284760,00 | 17797,00 | 266963,00 |
| 34 | Ос-20 | Темир дарвозалар | 1775449,00 | 458651,00 | 1316798,00 |
| 35 | Ос-64 | Гардироб (6м.кв) | 2355240,00 | 206083,00 | 2149157,00 |

## 2.2. Корхонада инновацияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган омилларни сўров ва баҳолаш усуллари орқали аниқлаш.

Умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришни янги инновацион ютуқлар асосида жадаллаштириш ва иқтисодиёт таркибини такомиллашишига боғлиқ бўлади. Бундай вазифаларни бажаришда унинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш ва мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади. Корхона иқтисодиёти-нинг ривожланиши унинг модернизациялаш ҳолатига боғлиқлигини юқорида кўриб чиқдик. Россия илмий изланиш институти томонидан корхоналарни модернизациялаш учун унинг инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи ва уларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омиллар аниқланган. Унга кўра: инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар ва инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омиллар ажратилган.

Демак, умумий овқатланиш корхонаси тадбиркорлик фаолияти амалиётида модернизация инновациянинг тадбиғида, уларга қандай омиллар қаршилик кўрсатиши ва қайсиларини жадаллаштиришимизни билишимиз учун уларни амалиётда синаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунинг учун биз Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналарининг модернизация инновацион ҳолатини ва унга таъсир этувчи омилларини аниқлашда асосий эътиборни иқтисодий, ишлаб чиқариш (техник -технологик) ва бошқа омилларга қаратдик.Самарқанд вилоятида танлаб олинган 191та умумий овқатланиш корхоналарининг (ресторан, ошхона, кафе ва чойхоналар) инновацион ҳолатини аниқладик. Инновацион ҳолатни аниқлашда биз сўров методини қўлладик. Барча корхоналарга (респондентларга) корхона (ташкилот) модернизацияни амалга ошириш учун инновацион фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар кўрсатилган сўров анкетаси берилиб сўров ўтказилди. Сўров анкетасида кўрсатилган омилларнинг хар бирига респондентлар томонидан тўрт хил жавобдан:

асосий, аҳамиятли; аҳамиятсиз; жавоб беришга қийналаман деган жавоблардан бирини берди. Сўров анкетасида келтирилган инновацион баҳолашнинг бундай сифат баҳолаш шкаласи универсал характерга эга бўлиб, сўровга қатнашган барча қатнашчилар қийналмай жавоб бериши мумкин. Шу билан бирга корхона қайси ташкилотга қарашли эканлигидан қатъий назар, бир хилда осон жавоб бериш мумкин. Сўров шкаласининг тўрт даражалиги жавоб берувчининг максимум - юқори даражаларни, минимум-пастки даражани қамраб олади.Сўровга жами 17 омилни уч гуруҳга : иқтисодий (6та омил), ишлаб чиқариш (6 та омил) ва бошқа турдаги (5 та омил)лар киритилди. Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолиятига тўсқинлик этувчи омиллар 2017 йили ҳолати бўйича ўтказилган сўров натижалари 6-жадвалда келтирилга.

6-жадвал

**Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш корхонасини инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар (2017 йил бўйича)**[1]

| Омиллар | Инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар баҳолаш даражаси | | | |
|---|---|---|---|---|
| | асосий | аҳамиятли | аҳамиятсиз | Жавоб беришга қийналама |
| **Иқтисодий** | | | | |
| Ўз маблағининг етишмаслиги | 106 | 34 | 18 | 33 |
| Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг етишмаслиги | 50 | 38 | 22 | 81 |
| Янги маҳсулотларга тўлов истеъмолининг камлиги | 23 | 23 | 24 | 121 |
| Янги техника киритиш юқори қийматлиги | 82 | 36 | 31 | 42 |
| Иқтисодий хавф-хатар юқори | 67 | 40 | 44 | 40 |
| Янгиликнинг узок муддатга копланиши | 40 | 28 | 20 | 103 |
| **Ишлаб чиқариш (техник-технологик)** | | | | |
| Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти | 40 | 60 | 70 | 21 |
| Малакали кадрларнинг етишмаслиги | 66 | 40 | 40 | 45 |

[1] Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Янги технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги | 98 | 25 | 28 | 40 |
| Сотиш бозори ҳакидаги информациянинг камлиги | 93 | 34 | 29 | 35 |
| Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги | 69 | 22 | 80 | 20 |
| Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги | 60 | 83 | 20 | 28 |
| **Бошқа омиллар** | | | | |
| Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги | 50 | 80 | 20 | 41 |
| Инновацион фаолиятни қўллаб қувватловчи норматив хужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги | 60 | 70 | 30 | 31 |
| Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги | 40 | 60 | 80 | 11 |
| Инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги | 40 | 63 | 75 | 13 |
| Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги | 70 | 50 | 40 | 31 |

Жадвалда келтирилган жавоблар шуни кўрсатяптики, кўпчилик корхоналар иқтисодий омиллардан «ўз маблағининг инновацион фаолиятга етишмаслиги» кўпроқ тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланмоқда.

Сўров натижаларини таҳлил этишда биз А.Гусев [2] тақдим этган инновацион фаолиятга қаршилик кўрсатаётган омиллар даражасидан салмоқлик коэффициенти билан ранжировкалаш методини қўлладик. Бунинг учун агар омил «асосий» деб характерланса, унга максимал салмоқлилик коэффициентини 1га тенг деб олинади, «аҳамиятли» деганда 0,6 коэффициент, яъни 0,5дан катта бўлиб максимал 1 га яқин ҳисобланади.

Агар баҳолаш «аҳамиятсиз» дейилса, унга 0,2 коэффициенти тенглаштирилади. Охиргиси «жавоб беришга қийналаман» баҳосига 0 минимал коэффициенти берилади.

Хар бир омилни баҳолаш учун омил қаршилик индекси ҳисобланади.Индексни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$I = \left[ \sum_{i=1}^{n} (X_i \times Y_i) / \sum_{i=1}^{n} X_i \right] \times 100\%$$

[2] Гусев А. Б. Формирование рейтингов инновационного развития регионов России и выработка рекомендаций по стимулированию инновационной активности субъектов РФ: монография/ А.Б.Гусев – М., 2008. – 88 С

7-жадвал

**Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолиятига тўсқинлик кўрсатувчи омиллар индексини баҳолаш[3].**

| № | Омиллар | 2017 | 2018 | I-ўртача |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Иқтисодий** | | | |
| 1.1 | Ўзмаблағининг етишмаслиги | 68,06 | 68,10 | 68,08 |
| 1.2 | Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг етишмаслиги | 40,41 | 38,91 | 39,66 |
| 1.3 | Янги маҳсулотларга тўлов истеъмолининг камлиги | 21,78 | 31,17 | 26,47 |
| 1.4 | Янги техника киритиш юқори қийматлиги | 57,06 | 62,88 | 59,97 |
| 1.5 | Юқори иқтисодий хавф-хатар | 52,25 | 57,47 | 54,86 |
| 1.6 | Янгиликнинг узоқ муддатга қопланиши | 31,83 | 29,54 | 30,68 |
| 2 | **Ишлаб чиқариш (технологик)** | | | |
| 2.1 | Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти | 47,30 | 43,24 | 45,27 |
| 2.2 | Малакали кадрларнинг етишмаслиги | 51,37 | 55,85 | 53,61 |
| 2.3 | Янги техника технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги | 62,09 | 72,61 | 67,35 |
| 2.4 | Сотиш бозори ҳақидаги информациянинг камлиги | 62,40 | 73,15 | 67,77 |
| 2.5 | Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги | 51,41 | 56,03 | 53,72 |
| 2.6 | Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги | 59,58 | 52,07 | 55,82 |
| 3 | **Бошқалар:** | | | |
| 3.1 | Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги | 53,40 | 55,13 | 54,26 |
| 3.2 | Инновацион фаолиятни қўллаб қувватловчи норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги | 56,54 | 57,65 | 57,09 |
| 3.3 | Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги | 48,16 | 38,55 | 43,35 |
| 3.4 | Инновацион инфраструктуранинг ривож-ланмаганлиги | 48,58 | 40,36 | 44,47 |
| 3.5 | Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги | 56,54 | 53,15 | 54,84 |

[3] Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу ерда: I – қаршилик индекси; n-инновацион фаолиятга берилган баҳолаш жавобининг сони (бизда n=4); i-жавоб вариантининг тартиб номери; $X_{i-}$ респондентлар сони (i вариантга жавоб берганлар); Y-салмоқлик коэффициенти (i-вариантга жавоб) (Y=1,0; 0,6; 0,2; 0). Шундай қилиб, I – индекси 0 дан 100%гача нормаллаштирилиб, 100% максимал қаршилик омили ҳисобланади. Сўровда 17 омил қатнашганлиги учун биз ўртача кийматини топамиз.

Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи омилларнинг баҳоланишидаги ўртача қаршилик индекси – I ҳисобланди.(7- жадвалга қаранг).

Худди шундай ўртача гуруҳ омиллар индекслари ҳисоби 8-жадвал келтирилган.

8 -жадвал

**2017-2018 йилларда инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи гуруҳлар омили[4]**

| Омиллар гурухи | 2017 | 2018 | I- ўртачаси |
|---|---|---|---|
| Иқтисодий | 45,23 | 48,01 | 46,62 |
| Ишлаб чиқариш (техник-технологик) | 55,69 | 58,82 | 57,25 |
| бошқалар | 52,64 | 48,96 | 50,8 |
| Жами индекслар | 51,18 | 51,93 | 51,55 |
| барча жавоблар, бирлик | 191 | 111 | |

2017 йилда бажарилган сўров тадқиқотида кўпгина корхоналар қайта ташкил этилганлиги натижасида бирлаштирилди, кўплари ўз фаолиятини тугатди. Олиб борилган «Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари»нинг инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи омиллар

[4] Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

индексини аниқлаш бўйича қилинган илмий-тадқиқот қуйидаги хулосаларни берди:

- қаршилик индексларни ичида максимал даражадагиси «корхона пул маблағининг етишмаслиги» ($I_{ўрт}$=68,08%).Ундан сўнг «янгиликни киритиш юқори қийматлилиги» ($I_{ўрт}$=59,9%), ва «давлат томонидан молиявий ёрдамнинг камлиги» ($I_{ўрт}$=39,66%). Ҳақиқатдан хам маблағ ресурсининг етишмаслиги корхонанинг қўшимча инвестицияларга муҳтожлигини ва ушбу ҳисоб натижалари тасдиқлайди;

- қаршилик индексининг минимал қиймати ($I_{ўрт}$=53,72%). Бу ишлаб чиқариш (технологик) гуруҳидаги «корхонанинг янгилашларини қабул қилиш қийинлиги ҳисобланар экан. Демак, бундан шуни айтиш мумкинки, корхоналарнинг қарийиб 46 % инновацион янгиликка тайёр экан деб ҳисоблаш мумкин.

- қаршилик индексининг 1,2 ва 3,2 омиллари шуни кўрсатяптики 2009-2013 йиллар давомида кўзга кўринарли даражада давлат томонидан молиявий ёрдам берилмаганлиги, лекин бу хам етарли даражада эмас. Худди шунингдек, инновациянинг ҳуқуқий бошқарув фаолияти хам қонунлар билан хам таъминланмаганлиги етарли даражада эмас;

- хўжалик субъектларининг янги техника ва технологиялар ва бозорлар (2,3 ва 2,4 омиллар) тўғрисида кам информацияга эгалиги, корхоналарда замонавий телекоммуникацияларнинг талаб даражасида эмаслиги, тадбиркорлик хатарининг юқорилиги (1,5 омиллар) товламачиликнинг юқорилиги кўрсатади;

-корхоналарнинг инновацион салоҳиятининг пастлиги ($I_{ўрт}$=45,27% 2,1 омил) ва малакали ходимларнинг етишмаслиги ($Iў_{рт}$=53,61% 2,2 омил).

- қаршилик индексининг 1,3; 1,4; 1,6 омиллари бўйича хўжалик субъектларининг тассаввурида ҳали хам инновацион фаолият катта таваккалчилик қимматли зарар келтирувчи бўлиб кўриняпти;

Агар биз эксперт сўров ўтказилганлиги бўйича хулоса қиладиган бўлсак, унда қуйидагиларни белгилаш мумкин:

-корхоналар инновацион фаолияти тўғрисида эксперт сўров давлат статистика бошқармаси тизими томонидан мунтазам равишда олиб бориш керак;

-сўров анкетасидаги саволларнинг кўплиги, унинг ишончлилиги ва самарасини пасайтиради;

-мутахассисларнинг сўров анкетаси саволларига жавоб беришда сўров маданиятининг пастлиги, эътиборсизлик билан қараш ва бу соҳадаги билимнинг етишмаслиги сезилади;

-сўровда омиллар сонини кескин камайтириб, бир вақтнинг ўзида хам қарши омиллар хам корхонада олиб борилган (ёки олиб борилаётган) инновация бўйича омилларини хам келтириш ва сўровга асосан мутахассисларни жалб этиш лозим бўлади.

Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолияти ҳолатини изланишида биз корхона инновация фаолиятига қаршилик кўрсатувчи омиллар бўйича умумий овқатланиш корхоналари бўйича сўров ўтказилиб, қаршилик индексини ҳисобладик. Жумладан, «Оби Раҳмат» МЧЖ «Юлдуз» ресторани бўйича хам ўтказилди. Лекин, ўтказилган сўров натижаларини ва ўтказиш жараёнида таҳлилдан намоён бўлган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, биз 2018 йилда «Оби Раҳмат» МЧЖ «Юлдуз» ресторани бўйича қайта сўров ўтказдик. Сўров ўтказиш учун махсус 10 кишидан иборат сўров комиссияси ташкил этилди. Сўров анкетасига бир вақтда инновацион қаршилик омиллари билан инновацияни ривожлантирувчи омиллар хам келтирилди. Инновацион қаршилик омиллари 17 дан 6 тагача камайтирилди ва яна 6 та ривожлантирувчи омиллар берилди. Бунда, иқтисодий таъсир этувчи омилларга:ўз маблағининг етишмаслиги, юқори иқтисодий хавф-хатар; сотув бозорлари ҳақидаги ахборонинг етишмаслиги; техник-технологик омилларга: янги техника технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги, янги товарга талабнинг ҳисобида: малакали кадрларнинг етишмаслиги инобатга олинди.

Худди шунингдек, олинган натижалар бўйича инновацион ривожланишнинг кўрсаткичларининг сифат таҳлили ўтказилди ва иқтисодий ривожлантирувчи омилларга: Ўзбекистонда янги сотиш бозорларини яратиш; стандарт бўйича таъминланганлик ҳолати; техник-технологик омиллар: меҳнат шароитини яхшилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; интеллектуал маданий омиллардан: малакали кадрларни кўпайтириш киритилди. Бунда икки гуруҳ инновацияга қаршилик кўрсатувчи ва корхона инновацион фаолиятини ривожланиш омилларини баҳолаш бажарилди. Баҳолашда биз интеграллашган 4 – баллик рейтинг баҳолаш методини: 3-кўрсаткичнинг энг юқори даражаси; 2-ўртача; 1-аҳамиятсиз; 0-таъсир даражасининг йўқлигини қўлладик. Бундай методни қўллаш кўрсаткичлар нисбий таҳлилида аниқ кўрсаткичларни олишга ёрдам беради.




**4-расм.Корхонанинг модернизация инновацион фаолиятига тўсқиник қилувчи омиллар рейтинги**

Худди шундай корхонанинг 2017-2018 йилдаги инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар таъсири рейтинги ўтказилиб, натижалари 5 - расмда келтирилган.




**5-расм - Корхона инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар рейтинги**.

Корхона инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи омиллар рейтинг балли баҳолаш натижаси 5- расмда келтирилган. Баҳоланган омиллар ичида корхона янги техникалар ҳақидаги ахборотларнин етишмаслиги (рейтинг 2,9) ва янги маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги (рейтинг 1,5) нисбатан баҳоланди.

Олиб борилган инновацион ҳолат тадкиқоти, инновацион фаолиятининг ривожланишига қаршилик этувчи ва унга таъсир этувчи омиллар рейтинги шуни кўрсатдики, корхоналарнинг модернизациясида унинг техник-иқтисодий даражаси, яъни қанчалик техника-технологиясининг самарали, янги эканлиги алоҳида ўрин эгаллайди.

Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизациялаш мақсадида олиб борилагн инноваион ҳолат тадқиқоти, худди шунингдек, “Юлдуз” ресторани инновацион фаолиятининг ривожланишига қаршилик этувчи ва унга таъсир этувчи омиллар рейтинги шуни кўрсатдики, корхоналарни модернизациялашда энг аввало маҳсулот сифатини яхшилаш,унинг ассортиментини кенгайтириш,стандартлар талабларини қондириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва ходимлар малакасини ошириш керак. Демак, бунинг учун корхона моддий техника базасини, унинг асоси ҳисобланган техник-технологик базасини вакт вакти билан замонавий, иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган техника ва

технологиялар билан алмаштириш керак бўлади. Бундай вақтда табиий ҳолатки, корхонанинг қайси техника технологияни янгилаш керак деган амалий савол вужудга келади. Бунниг учун корхонадаги мавжуд техника технологиялар асосида унинг "техник - иқтисодий даражаси"ни аниқлаш лозимлигини таклиф этамиз. Чунки, корхона моддий техника базасининг асосий қисмини унинг  ассортиментини кенгайтирувчи стандарт талабларни қондирувчи, меҳнат шароитини яхшиловчи, юқори малакали ишчиларни талаб қилувчи ва ҳ.к.. ҳисобланади.

## 2.3. Ресторанда  истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларни баҳолаш ва олинган  натижалар таҳлили

Маълумки умумий овқатланиш корхоналарида сервис хизмат кўрсатиш корхонадаги "тарқатиш- истеъмолчи" тизимида бўлиб ўтади. Бунда асосан истеъмолчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар ёрдамида хизмат кўрсатилади. Шунинг учун биз қуйида "Юлдуз" ресторани мисолида ушбу хизмат кўрсатиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида тадқиқотни бажардик. Ресторанда сервис хизмат кўрсатиш жараёнларини илмий тадқиқ қилишда биз хронологик ва фотографик кузатиш методини қўлладик. Бунда тадқиқот объекти бўлиб "Юлдуз" ресторанидаги истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат кўрсатишни олдик.

Кузатув жараёнини овқатланиш залининг жиҳозлари билан танишишдан бошладик. Корхонада официантлар томонидан хизмат кўрсатилганлиги учун  овқатланиш зални маълум бир ўринларга бўлинди ва ҳар бир столга аниқ бир номер ўрнатилди.

Кузатув жараёнини эса махсус харитада, ҳар бир кузатувларни қайд этиш ва кузатув харитасининг биринчи варағига (8-жадвалда кўрсатилган) белгилаб бориш билан олиб борилди.

Ресторannинг залида таҳлил учун ахборотларни йиғиш учун кузатишга қулай бўлган жойни (барча столлар яхши кўриниши шарт) танланди.Бунда 50-100 жойли ресторанни бир тадқиқотчининг ўзи ҳам кузатувни амалга

ошириши мумкин. Шу билан бирга жойлар сони қанча кўп бўлса, шунчалик кузатувчилар сони ҳам кўпаяди, албатта.

9-жадвал

**Кузатув харитаси №1  90 ўринли ресторан**

| Вазият номери | Стол раками | Вақти | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 12-05 | 12-10 | 12-15 | 12-20 | 12-25 | 12-30 | 12-35 | 12-40 | 12-45 | 12-50 | 12-55 | 13-00 |
| 1 | 1 | 04 | П4 | П4 | П4 | У4 | С4 | | | О2 | О2 | П2 | П2 |
| | 2 | | О3 | О3 | П3 | П3 | П3 | П3 | У3 | | С3 | О4 | О4 |
| | 3 | О2 | О2 | П2 | П2 | П2 | П2 | П2 | П2 | У2 | | | С2 |
| 2 | 4 | | | | | | | | | О3 | О3 | П3 | П3 |
| | 5 | О4 | О4 | П4 | П4 | П4 | П4 | У4 | С4 | | О2 | П2 | П2 |
| | 6 | | О4 | О4 | П4 | П4 | П4 | П4 | У4 | С4 | | О2 | П2 |
| 3 | 7 | | | О4 | П4 | П4 | П4 | П4 | У4 | С4 | | О4 | П4 |

Изоҳ: О – хизмат кўрсатишни бошланишини кутиш; П-овқатни истеъмол қилиш; У-хизмат кўрсатиш; С-истеъмолчиларнинг келишига жой тайёрлаш (идишларни тозалаш ва тахминий сервировка қилиш).

Истеъмолчининг ўз-ўзига хизмат кўрсатишда истеъмолчиларнинг оқимини қайд этиш қўлда ёки автоматик равишда залнинг кириш йўлида қайд этилди , чиқувчи оқимлар эса (тарқатувчининг тарқатиш қобилияти) - тарқатиш хонасини тарк этгандан сўнг фақат кирувчилар ўрнига чиқувчилар қайд этилди ва 9-жадвал тўлдирилди.

10-жадвал

**№2 сонли кузатув харитаси ошхона залида**

| Вақт оралиғи, соат-дақиқа | Кириб келаётган истеъмолчилар оқимининг кайд этилиши | Кириб келаётган истеъмолчилар оқими,киши |
|---|---|---|
| 8.00-8.05 | I I I I I I I I I I | 10 |
| 8.05-8.10 | I I I I I I | 6 |
| 8.10-8.15 | I I I I I | 5 |
| 8.15-8.20 | I I I I I I I | 7 |
| 8.20-8.25 | I I I I | 4 |

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда тарқатиш хонасида навбатнинг узунлигини аниқлаш учун ва залнинг банд бўлган жойларининг миқдорини аниқлашда лаҳзали кузатув методидан фойдаландик. Бунда маълум вақтда залда банд бўлган ўринлар сони, навбатда турганлар сони аниқланди ва 11-жадвал кўринишида белгиланди.

11-жадвал.

**№3 сонли кузатув харитаси ошхона залида**

| Вакт оралиғи, соат-дақиқа | Залда банд бўлган ўринлар сони | Тақсимлаш хонасидаги навбат, киши |
|---|---|---|
| 8.00-8.05 | 5 | 1 |
| 8.05-8.10 | 8 | 3 |
| 8.10-8.15 | 7 | 3 |
| 8.15-8.20 | 6 | 4 |
| 8.20-8.25 | 8 | 3 |
| 8.25-8.30 | 6 | 4 |

Олинган ахборотларни қайта кўришда бир қанча хизмат кўрсатиш жараёнини характерловчи параметрлари асосида аниқланди: хизмат кўрсатиш бошланишини кутиш вақти; залда банд бўлган жойлар вақти; залда банд бўлган жойлар вақти; залга истеъмолчи оқимининг интенсив кириши; хизмат кўрсатиш системасининг чиқариш қобилияти; залнинг тўлиши; залдаги жойларнинг айланиши ва бошқалар. Харита бўйича истеъмолчилар оқимининг кириши қуйидагича аниқланди: жадвалга соат интерваллари бўйича истеъмолчиларнинг келиш миқдори шу интервал давомида белгиланган столда жой олганлиги белгиланди (12-жадвал).

“Юлдуз” ресторани овқатланиш залига хизмат кўрсатиш системаларининг ўтказиш қобилиятининг ўртача соатини шу шакл бўйича 12-жадвал асосида ўтказилди. 1 соат давомида express зални тарк этган истеъмолчилар миқдори, сони ҳам ёзилди.

12-жадвал

**“Юлдуз” ресторанида истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги, киши/соат**

| вазият рақами | Стол раками | 12.00-13.00 | 13.01-14.00 | 14.01-15.00 | 15.01-16.00 | 16.01-17.00 | 17.01-18.00 | 18.01-19.00 | 19.01-20.00 | 20.01-21.00 | 21.01-22.00 | 22.01-23.00 | Бир кунда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 | 6 | 4 | 4 | - | 2 | 4 | - | - | 4 | | | 24 |
| | 2 | 7 | 3 | 4 | - | 2 | - | - | 4 | | 4 | | 24 |
| | 3 | 2 | 6 | 4 | - | 4 | - | - | 3 | 1 | | 2 | 22 |
| 2 | 4 | 3 | 7 | 4 | 5 | - | 2 | - | 2 | 2 | | | 25 |
| | 5 | 6 | 3 | 6 | 4 | - | 4 | - | 4 | | | | 27 |
| | 6 | 6 | 4 | 2 | 4 | - | - | - | - | | 4 | | 20 |
| ва х.з. | | | | | | | | | | | | | |
| 7 | 19 | 8 | 4 | 4 | 4 | 3 | - | - | 4 | | | 2 | 29 |
| | 20 | 5 | 4 | - | 4 | - | - | - | 4 | | | - | 27 |
| | 21 | 4 | 6 | 6 | 3 | 4 | 2 | 2 | 2 | 4 | | | 33 |
| **Жами** | | **109** | **104** | **81** | **54** | **22** | **17** | **-** | **56** | **31** | **17** | **6** | **497** |

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш залида ҳам маълум бир кирувчи ва чиқувчи истеъмолчиларнинг интенсивлигини аниқлаш ҳам 13-жадвал асосида 14-жадвал тўлдирилди. Кузатув хариталари асосида залнинг тўлишини аниқлаш мумкин. Бунда маълум бир вақт оралиғида залда банд бўлган жойлар асосида банд бўлган жойларнинг ўртача арифметик сони ҳисобланди.

13-жадвал

**Умумий овқатланиш залига кирувчи ва чиқувчи истеъмолчиларнинг интенсивлиги**

| Вақт соат/дақиқа | Истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кирувчилар | | чиқувчилар | |
| | киши/соат | киши/соат | киши/соат | киши/соат |
| 8.00-9.00 | 96 | 1,6 | 84 | 1,4 |
| ва х.з. | | | | |

14-жадвал

**Умумий овқатланиш залида банд бўлган жойларнинг ўртача арифметик сони**

| Вакт соат/дақиқа | Банд бўлган жойларнинг умумий сони | Ўлчовлар сони | Залнинг ўртача банд бўлган жойи | |
|---|---|---|---|---|
| | | | жой | % |
| 8.00-8.30 | 48 | 6 | 8 | 22.2 |
| ва х.з. | | | | |

Шундай ҳолда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳамда официантлар томонидан хизмат кўрсатишда бир жойнинг бандликнинг ва кутишнинг ўртача вақтини аниқлаш мумкин бўлади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда банд бўлган жойнинг ва ўзи учун залнинг ҳар соатида, официантлар хизмат кўрсатишида эса залнинг иш вақти оралиғи- кундузги ва кечқурунги вақти ҳисобга олинади.

Жойнинг бандлигини аниқлаш вақти истеъмолчи столга келиб ўтиргандан бошлаб ҳисобланади. Официантлар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш – хизмат кўрсатиш бошланишидан, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш эса таомни истеъмол қилишдан бошланади ва столларни сервировка қилиш ва уларни йиғиштириш билан тугатилади.

Хизмат кўрсатишни бошланишини кутиш вақти ва жойини банд этиш вақти кузатув харитаси асосида аниқланади. Агар 03 устунида шартли равишда 12 соат 15 дақиқа бўлса, унда кузатув 12 соат 10 дақиқадан 12 соат 15 дақиқагача ўтказилган. Шу вақт оралиғида бир кузатувда сарфланган вақт кузатув сони давомийлигида ораликқа бўлинади. Агар бир ишчи 5 та ҳолат бўйича кузатув олиб борса, унда ҳар бир кузатувга 1 дақиқа сарфлайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда биринчи ҳолатда кузатув вақти 12 соат 11 дақиқа, иккинчи устун 12 соат 12 дақиқа, бешинчи устун эса 12 соат 15 дақиқадан иборат бўлади. Худди шу ҳолатда ҳаракатнинг боши ва охирини аниқланди.Чунки, вақтнинг боши ва охиридаги оралиғи кутишнинг давомийлиги билан боғлиқ.

14-жадвал асосан маълум бир вақт оралиғи ёки бир кунда жойнинг айланишини аниқлаш мумкин. Бу учун маълум бир вақт давомида (соат ёки бир неча соат) ташкилот хизматидан фойдаланган истеъмолчилар сонини, залдаги жой сонига бўлиш керак бўлади..

Юқорида кўрсатилган метод асосида истеъмолчига овқат тарқатиш тизимидаги хизмат кўрсатиш тадқиқ этилиб олинган натижалар 15-жадвалда киритилди.

Таҳлил жараёни шуни кўрсатдики, таҳлил қилинаётган корхонада 11 соат вақт оралиғида истеъмолчи оқими 1574 кишини ташкил этган бўлса, шулардан 897 кишига хизмат кўрсатилган, 677 киши эса хизмат кўрсатишдан бош тортганлигини кўришимиз мумкин. Умумий овқатланиш корхонасид хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда барча истеъмолчилар хизмат кўрсатишдан фойдаланиши лозимдир.

15-жадвал

**«Тарқатувчи - истеъмолчи» хизмат кўрсатувчи системаларнинг тавсифи.**

| Доимий истеъмолчилар оқимининг вақт соат дақиқа | Вақт оралиғининг давомийлиги дақиқа | Истеъмолчи оқимининг кириб келиши киши | Истеъмолчи оқимининг кириб келиш интенсивлиги, кишида | Истеъмолчилар оқимининг чиқиши киши | Тарқатишнинг уртача чиқариш қобилияти киши дакика | Тарқатиш хонасида хизмат кўрсатувчи ишчилар сони, | Хизмат кўрсатиш Вақти,с | | | Навбатда туриш, одам | | Хизмат кўрсатишдан бош тортган истеъмолчиларнинг сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ўртаач | минимал | максимал | Ўртача | максимал | |
| 8.00 -8.25 | 25 | 50 | 2 | 32 | 1,2 | 5 | 39,5 | 33 | 50 | 8 | 12 | 18 |
| 8.25 -10.00 | 95 | 120 | 1,2 | 95 | 1 | 5 | 50 | 40 | 60 | 43 | 60 | 25 |
| 10.00 -10.55 | 55 | 140 | 2,5 | 75 | 1,3 | 4 | 47 | 35 | 60 | 53 | 60 | 65 |
| 10.55 -11.05 | 10 | 20 | 2 | 14 | 1,4 | 5 | 42 | 37 | 60 | 4 | 7 | 6 |
| 11.05 -12.00 | 30 | 160 | 5,3 | 120 | 4 | 5 | 46 | 42 | 60 | 48 | 59 | 40 |
| 12.00 -12.25 | 25 | 100 | 4 | 65 | 2,6 | 5 | 35 | 20 | 42 | 40 | 63 | 35 |
| 12.25 -13.15 | 50 | 210 | 4,2 | 100 | 2 | 4 | 32 | 25 | 40 | 43 | 57 | 110 |
| 13.15 -13.25 | 10 | 36 | 3,6 | 18 | 1,8 | 2 | 33,3 | 28 | 40 | 15 | 20 | 18 |
| 13.25 -14.10 | 45 | 110 | 2,4 | 63 | 1,4 | 2 | 43 | 27,3 | 80 | 10 | 17 | 47 |
| 14.10 -14.25 | 15 | 57 | 3,8 | 36 | 2,4 | 1 | 22,2 | 15 | 30 | 12 | 13 | 21 |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 14.25 -15.35 | 70 | 52 | 0,7 | 10 | 0,1 | 2 | 38,5 | 25 | 100 | 16 | 23 | 42 |
| 15.35 -15.40 | 5 | 10 | 2 | 8 | 1,6 | 2 | 30 | 25 | 60 | 12 | 12 | 2 |
| 15.40 -16.00 | 15 | 8 | 0,5 | 6 | 0,4 | 1 | 89,6 | 42,9 | 150 | 3 | 5 | 2 |
| 16.00 -17.00 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 17.00 -17.45 | 50 | 20 | 0,4 | 14 | 0,28 | 2 | 36,1 | 17,6 | 100 | 14 | 18 | 6 |
| 17.45 -18.10 | 25 | 120 | 0,8 | 39 | 1,56 | 1 | 51,7 | 25 | 75 | 6 | 15 | 81 |
| 18.10 -18.25 | 15 | 36 | 2,4 | 24 | 1,6 | 2 | 29 | 20 | 50 | 18 | 21 | 12 |
| 18.25 -19.00 | 30 | 48 | 1,6 | 32 | 1,0 | 2 | 32,8 | 27,3 | 60 | 16 | 18 | 16 |
| 19.00 -19.25 | 25 | 40 | 1,6 | 11 | 0,4 | 1 | 136,4 | 60 | 159 | 12 | 16 | 29 |
| 19.25 -19.55 | 30 | 105 | 3,5 | 63 | 2,1 | 1 | 54,5 | 30 | 100 | 13 | 16 | 42 |
| 19.55 -20.25 | 30 | 51 | 1,7 | 15 | 0,5 | 1 | 200 | 100 | 300 | 11 | 12 | 36 |
| 20.25 -20.45 | 20 | 62 | 3,1 | 53 | 2,6 | 1 | 80 | 42,9 | 150 | 12 | 12 | 9 |
| 20.45- 21.00 | 10 | 19 | 1,9 | 4 | 0,40 | 1 | 150 | 100 | 300 | 3 | 6 | 15 |
| Жами: | 685 | 1574 | 2,3 | 897 | 1,3 | | | | | | | 677 |

## III Боб. “Оби Рахмат” МЧЖ га қарашли “Юлдуз “ ресторани мисолида техник-технологик инновацияларни қўллаб хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш

### 3.1. Корхонада жалб этилган техник-технологик инновацияларни самарадорлигини ҳисоблаш методи

Умумий овқатланиш корхоналарининг самарали ишлаши учун, ундаги барча жиҳозлар вакт вакти билан алмашиниши кераклигини олдинги параграфларда кўриб чикдик. Ҳозирги вактда барча янгиланадиган жиҳозларнинг олдиндан уларнинг алмашиниши самарадорлигини ҳисоблаш керак булади. Ҳозирги вактда бундай ҳисобларнинг турлича методлари мавжуд.

Биз ҳисоблаш учун, уммуий овқатланиш корхонасида қўлланилиши иқтисодий самараадорлигини аниқлаш учун В.И.Шалун [5] таклиф этган методдан фойдаландик. Унда хар бир ишлаб чиқариш маҳсулотга (ишга) келтирилган сарф харажат ҳисоби яъни, бир хил ҳажмда бажарилган маҳсулот ёки бажарилган ишга энг кам сарф харажат қилган инновацион тадбир самарали деб ҳисобланади.

Корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методининг асосий формулалари, уларни ташкил этувчи кўрсаткичлари 1 жадвалда келтирилган. Ушбу методда бир ва бир неча вариантни қиёслаш билан иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш мумкин. Йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисоб йилидан олдинги ҳолат билан таққосланади.Бизда 2018 йилгача ҳолат билан 2017 йили ҳисоби бажарилган.

Модернизация йилида келтирилган харажатлар ишлаб чиқариш ва муомала харажатларни ва ишлаб чиқариш фондига қўйилмалардан иборат бўлади. Шу билан бирга капитал қўйилма иқтисодий самарадорлигини

[5] Шалун В.И.Общественное питание на новый технический уровень.-М:Экономика 1987г.45-84с.

норматив коэффициенти инобатга олиниши лозим бўлади. $Е_н$норматив коэффициентни 0,15га тенг деб олдик.

16-Жадвал

**Корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методининг асосий формулалари**

| № | Кўрсаткич номи | Ҳисоблаш формуласи | Изоҳ: |
| --- | --- | --- | --- |
| 1 | Келтирилган харажат | $З=И+Е_н К_{пф}$ | **З**-маҳсулот(иш) бирлигида келтирилган харажат.сўм/дона,сўм/кг ва ҳ.к<br>**И** – ишлаб чиқариш ва муомила харажатлар сум/дона,<br>**$Е_н$**–капитал қўйилма норматив иқтисодий самарадорлик коэффициенти,**$Е_н$**-0,15<br>**$К_{пф}$**-ишлаб чиқаришга фондига маҳсулот бирлигида қўйилган капитал қўйилма, сўм/дона, сўм/кг ва ҳ.к. |
| 2 | Йиллик иқтисодий самарадорлик | $Э=(З_1-З_2)\cdot А_2$ | **$З_1$-$З_2$**-маҳсулот бирлигидаги харажатлар.<br>**1,2** – индекслар ишлаб чиқаришда янги техникагача, ундан сўнг<br>**$А_2$**-тадбикдан сўнгги йиллик маҳсулот иш- |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | лаб чиқариш ҳажми, дона,кг,порц. ва х.к. |
| 3 | Янги техника тадбиғининг иқтисодий самарадорлиги | $Э=(П-Е_н·К)·А=[(В-И)-Е_н К]·А$ | **П**-фойда,сўм<br>**К**-капитал қўйилма,сўм<br>**В** -ялпи даромад,,сўм<br>**И** -ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари<br>**А**-ҳисобот йили йиллик ишлаб чиқариш маҳсулот ҳажми,дона, сўм, кг |
| 4 | Асосий фондга капитал қўйилма | $К=К_{об}+К_д+К_м+К_п$ | **$К_{об}$**-жиҳозни олиш учун капитал қуйилма,сўм<br>**$К_д$**-янги техникани келтириш харажати<br>**$К_м$**-янги техника монтаж харажати,сўм<br>**$К_п$**-янги техника учун бинони таъмирлаш ва уни ўрнатиш харажати,сўм |
| 5 | Корхонани техникавий қайта куроллантириш | $К=К_{об}+К_д+К_м+К_п+К_{дм}+К_{ос}-К_л$ | **$К_п$**-бинонинг кенгайтирилиш харажатлари, сўм<br>**$К_{дм}$**-демонтаж харажатлар,сўм<br>**$К_{ос}$**-алмаштириладиган жиҳоз қолдиқ баҳоси,сўм<br>**$К_л$**-ликвидация қийма- |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | ти,сўм |
| 6 | Иш ҳақи бўйича харажат | $Н_{зп}$=$Ч_э$· С ·$Т_{об}$ ·Д ·1,2 | $Ч_э$-ишчилар сони,одам<br>С–бир ишчи соатбай таъриф ставкаси сўм/к<br>$Т_{об}$-жиҳознинг бир кунда ишлаган вақти;<br>Д-бир йилда жиҳозларнинг ишлаган куни;<br>1,2-рағбатлантириш коэффициенти |
| 7 | Энергетик харажатлар | | |
| а) | механиқ жиҳозлар учун | $Н_{эт}$= n ·$Т_э$·Д·М·$Т_{об}$ | n-жиҳоз сони;<br>$Т_э$- 1кВт электрэнергия тарифи сўм/кВт<br>Д-бир йилда жиҳоз ишлаган кунлар сони<br>М-жиҳознинг ўрнатилган қуввати,кВт<br>$Т_{об}$-жиҳознинг бир кундаги иш вақти,соат |
| б) | иссиқлик жиҳозлар | $Н_{эт}$=n ·$Т_э$·Д·($М_{тр}$·**Тр**+$М_{тс}$ ·$Т_{об}$) | $М_{тр}$-жиҳознинг қизигунча бўлган қуввати,кВт<br>**Тр**<br>**$М_{тс}$**-берилган даражадаги температурани сақлаш учун қуввати,кВт |

| | | | |
|---|---|---|---|
| в) | салқинловчи ва совитиш жиҳозлари | $Н_{эт}= n \cdot Т_э \cdot Д \cdot М \cdot Т_{об} \cdot К$ | **К**-совитиш агрегатининг иш вақти коэффициенти,К=0,75 |
| г) | ювиш жиҳозлари | $Н_{эт}=n \cdot Т_э \cdot Д \cdot Т_{об} \cdot (М_в \cdot К_в+М_{дв} \cdot К_{эм})$ | $\mathbf{М_в}$-идиш ювувчи машина қуввати,кВт<br>$\mathbf{К_в}$-иш вақти коэффициенти, Кв=0,75<br>$\mathbf{М_{дв}}$-машина двигателининг қуввати ,кВт<br>$\mathbf{К_{эм}}$-фойдаланиш коэффициенти, К=0,5-0,7 |
| д) | назорат касса жиҳозлари учун | $Н_{эт}=n \cdot Т_э \cdot Д \cdot Т_{об} \cdot М_{кк} \cdot К_к$ | $\mathbf{М_{кк}}$-назорат касса жиҳозлари қуввати,Квт<br>$\mathbf{К_к}$-жиҳознингиш вақти коэффициенти, $К_к$=0,2-0,3 |

Корхона йиллик иытисодий самарадорлиги бу йиллик капитал куйилма ва ишлаб чиқариш, муомала харажатлар суммасида ифодаланган, техникавий тадбирларнинг тадбиғидан келиб чиқган фойда ҳисобланади.

Корхона асосий фондига қўйилган капитал қўйилмалар:янги техникани олиш, уни келтириш, монтаж қилиш, қурилиш харажатлари, техникавий хизмат кўрсатиш ва бошқалардан иборат бўлади.

Барча харажатлар корхона модернизация тадбирининг режаси, сметаси бўйича ҳисобланади. Агар булар тузилмаганда улар тизимда қабул қилинган миқдорда қабул қилинади. Масалан, янги жиҳозларни келтириш харажати унинг улгуржи баҳосининг 5% ни ташкил этади.

Жиҳозларни ўрнатиш ишлари смета харажатларидан олинса, демонтаж қилиш реал бажарилган ишлар қийматида ҳисобланиши мумкин.

Жиҳозларнинг амортизация бўлмаган қиймати корхона баланси асосида олинди ва ликвидация ишлари харажати унинг сотилиши нархига ёки металлолом ҳисобида ҳисобланади.

Ишчи кийимларнинг эскириши бўйича харажатлар ишсизлар сони, жиҳозларнинг бир кундаги ишлаш вақти, бир йилдаги ишлаш кунлари, кийимлар бир комплектининг нархи, тозалашига кетган сарф харажатлар ҳисобида олинади.Агар олдиндан режалаштирилса, унда асосий ва қўшимча иш ҳақининг 6% бирлигида қабул қилинади. Жиҳозларга кетадиган энергия ҳисобида электр эхнергия сарфи ҳисобланади. Бунда унинг қуввати,уни ишлатиш коэффициенти, ишлаш вақти,электр энергия тариф баҳоси инобатга олинади.Ҳисоблашда ишлатиш коэффициенти турли гуруҳ жиҳозларига турлича қабул қилинади.Механиқ жиҳозлар электр двигателининг ишлашига 0,5 0,7 , идиш ювиш машинасига 0,7, совитгичларга 0,75; назорат касса аппаратларига 0,2 0.3 тенг деб олинди. Мақсадга мувофиқ шуни айтиш керакки, ушбу методика умумий овқатланиш корхоналарида янги техника тадбиғи бўйича мўлжалланган иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қўллаш учун қайта ишланиб Республика корхоналаридаги қўлланиладиган таъриф ва коэффициентларни меъёрий ҳужжат сифатида ишлаб чиқиб расмийлаштириш лозим.

## 3.2. Корхонада жалб этилган техник-технологик инновацияларни самарадорлигини ҳисоблаш, олинган натижаларнинг таҳлили.

### 3.2.1. Корхона совитиш жиҳозлари бўйича иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш

Юкорида келтирилган методга асосан биз корхонада мавжуд бўлган (базали) ва янги кушиладиган совитиш жиҳозлари бўйича иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учун 17-жадвалда ифода этилди.

**17**-жадвал

**Ҳисоблашдаги бирламчи маълумотлар(совитиш жиҳозлари)**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Қиёслаш варинатлари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | базали | янги |
| 1 | Улгуржи товар айланмаси 1 кунда | Минг сўм | 6 000 | 6 000 |
| 2 | Жиҳозларнинг ишлаш вақти 1 йил давомида | кун | 350 | 350 |
| 3 | Йиллик товар айланмаси | Минг сум | 45 000 | 45 000 |
| **4** | **Ҳар бир жиҳознинг улгуржи баҳоси:** | **Минг сўм** | | |
| 4.1 | 2 камерали совутгич ШХ-1,12 | | 925 | |
| 4.2 | Пингвин прилавкали совутгич ПВХС-1-0,5 | | 2 144 | |
| 4.3 | Совутгичли шкаф ШХ-1,25 | | 880 | |
| 4.4 | Музгенератори ЛГ-10М | | 650 | |
| 4.5 | Музлатгич | | 470 | |
| 4.6 | *Совутгич камераси ШХ-1,056* | | | 1 567 |
| 4.7 | *Совутгич прилавкаси Бирюза* | | | 6 127 |
| 4.8 | *Совутгия витринаси ПВХ-1-0,30* | | | 2 765 |
| 4.9 | *Совутгич шкафи ШХ-0,4* | | | 2 256 |
| 5 | Жиҳозлар эгаллаган жой юзаси | | 10,45 | |
| 6 | Янги жиҳозларга керакли жой юзаси | | | 4.4 |
| 7. | Ишловчилар сони,бир сменада | киши | 2 | 1 |
| 8 | Тариф соат ставкаси | Минг сум | | |
| 8.1 | Ошпаз IV разряд<br>Идиш ювгич II разряд<br>Жиҳозларга хизмат кўрсатувчи техник механиқ V- IVразряд | | 260,0<br>132,0<br><br>100,0 | |
| **9** | **Амортизация ўтказиш нормаси** | **%** | | |
| | 2 камерали совутгич ШХ-1,12 | | 10 | |
| | Пингвин прилавкали совутгич ПВХС-1-0,5 | | 15 | |
| | Совутгичли шкаф ШХ-1,25 | | 15 | |
| | Музгенератори ЛГ-10М | | 10 | |
| | Морозильник | | 10 | |
| | *Совутгич камераси ШХ-1,056* | | | 15 |
| | *Совутгич прилавкаси Бирюза* | | | 10 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *Совутгия витринаси ПВХ-1-0,30* | | | 10 |
| | *Совутгич шкафи ШХ-0,4* | | | 15 |
| | | | | |
| **10** | **Техникавий хизмат кўрсатиш харажатлари** | **Минг сум** | | |
| | 2 камерали совутгич ШХ-1,12 | | 10 | |
| | Пингвин прилавкали совутгич ПВХС-1-0,5 | | *16* | |
| | Совутгичли шкаф ШХ-1,25 | | 12 | |
| | Музгенератори ЛГ-10М | | 6 | |
| | Морозильник | | 4 | |
| **11** | **Жиҳозлар қуввати** | **кВт** | | |
| | 2 камерали совутгич ШХ-1,12 | | 0,43 | |
| | Пингвин прилавкали совутгич ПВХС-1-0,5 | | 0,36 | |
| | Совутгичли шкаф ШХ-1,25 | | 0,7 | |
| | Музгенератори ЛГ-10М | | 1,1 | |
| | Морозильник | | 0,3 | |
| | *Совутгич камераси ШХ-1,056* | | | 0,47 |
| | *Совутгич прилавкаси Бирюза* | | | 0,45 |
| | *Совутгия витринаси ПВХ-1-0,30* | | | 0,375 |
| | *Совутгич шкафи ШХ-0,4* | | | 0,45 |

Совитиш жиҳозлари базавий ва янги жиҳозлар бўйича йиллик иқтисодий самарадорликнинг йиллик ишлаб чиқариш махсулотга келтирилган харажатлар бўйича ҳисобини бажарамиз.

1.Базали вариант бўйича асосий фондга капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг ҳисоби:

1.1 Жиҳозларни сотиб олиш харажатлари:

Коб=1х925+1х2144+1х880+1х650+1х470=5069минг сум

**1.2 Жиҳозларни олиб келиш (етказиш) харажати**:

Кд=(50 69 х 5)/100=253,45 м сум

Методика бўйича қабул килингани бўйича сотиб олинган харажатнинг 5% ташкил этади.

1.3 «Ценник на монтаж оборудование №28» бўйича жиҳозларни монтаж харажати:

Км=1х10,7+2х36,4+1х14,0=97,5 м сум

1.4 Жиҳозларни тадбик этишда асосий фондларга капитал куйилма:

ШХ-1,12 925 минг сум

ПВХС-1-0,5 $2144+\frac{2144x5}{100}+36,4=2287,6$минг сум

ШХ-1,25

ЛГ-10М

морозильник

1.5 Капитал куйилмаларнинг умумий хажми

Кобщ=5069+253,4+97,5=5419 м сумм.

**2.Базавий вариант бўйича йиллик махсулот ишлаб чиқариш**

2.1 Иш хаки бўйича харажатлар:

1х1,35х12х350х1,2=6804м.сум

Идиш ювгич

1х0,812х12х350х1,2=260,04092,5 м сум

Изп=6804+4092,5=10896,5 м сум

2.2 Жойнинг ижара харажати:

Иар=6,02х3,0х12=216,72 минг сум

3,0 м.сум 1м2 юзанинг ижара ставкаси. 12 – бир йилдаги ойлар сони

2.3.Асосий фондларнинг амортизация харажати:

$$Иа=\frac{982\cdot 10}{100}+\frac{2287,6\cdot 15}{100}+\cdot\frac{938\cdot 15}{100}+\frac{696,5\cdot 10}{100}+\frac{507,5\cdot 10}{100}$$
$$=98,2+343,1+140,7+69,6+50,75=702,3$$

2.4 Жиҳозларнинг техникавий хизмат кўрсатилиши харажати:

Итр=8+14+16+9+5+7+7=66 м.сум

2.5 Санитария махсус кийимининг эскириш харажати:

Исо=10896,5х0,06=721,87 м сумм 6%=0,06

2.6. Ошхона идишлари харажати:

$$\frac{45000 \cdot 0{,}15}{100} = 67{,}5 \text{ м сум}$$

0,15 сохадаги уртача эксплуатацион норма %

Шиша идишлар учун

$$\frac{4500 \cdot 0{,}2}{100} = 90{,}0\text{минг сум}$$

Бунда 0,2 – соҳадаги ўртача норма %;

$$\text{Ип} = 67{,}5 + 90 = 157{,}5 \text{ м. сум}$$

2.7. Электр энергия харажатлари:

ШХ-1,12 $1 \cdot 0{,}43 \cdot 0{,}091 \cdot 350 \cdot 6 \cdot 0{,}3 = 24{,}6$

ПВХС-1-0,5 $1 \cdot 0{,}36 \cdot 0{,}091 \cdot 350 \cdot 6 \cdot 0{,}7 = 48{,}1$

ШХ-1,25 $1 \cdot 0{,}7 \cdot 0{,}091 \cdot 350 \cdot 6 \cdot 0{,}5 = 66{,}8$

ЛГ-10М $1 \cdot 1{,}1 \cdot 0{,}091 \cdot 350 \cdot 6 \cdot 0{,}3 = 63$

музлатгич $1 \cdot 0{,}3 \cdot 0{,}091 \cdot 350 \cdot 6 \cdot 0{,}3 = 17{,}1$

$$\text{Иэ} = 24{,}6 + 48{,}1 + 66{,}8 + 63 + 17{,}1 = 219{,}6 \text{ м сум}$$

2.8 Идишларни ювиш учун харажат:

1000 1 кунда ўртача ювиладиган тарелкалар сони,дона

0,0008м$^3$ 1 марта тарелкага кетган сув

1,8 м.с. 1м$^3$ иссиқ сув таърифи

2.9 Бошқа харажатлар

$$\text{И}_{\text{пр}} = \frac{10896{,}5 \cdot 7}{100} = 330{,}21 \text{ м сум}$$

**2.10 Йиллик маҳсулот ҳажмига нисбатан умумий харажатлар:**

$$\text{Иумум} = 6804 + 216{,}72 + 702{,}3 + 66 + 721{,}87 + 157{,}5 + 219{,}6 + 336 + 330{,}21 = 9554{,}1$$

**3.Янги вариант билан асосий фондларга капитал куйилмалар умумий хажми:**

3.1.Жиҳозлар олиш учун харажатлар:

Коб=1567 х1+1х6127+1х2765+1х2256=12715 минг сумм

3.2 Жиҳозларни олиб етказиш харажати:

$$Кд = \frac{20715 \cdot 5}{100} = 1035{,}75$$

3.3.Жиҳозларни монтаж қилиш харажати:

Км=1х400+1х250+354х1+1х200=1204 м сум

3.4Жиҳозни алмашганда демонтаж харажати:

Кфм=1204х0,4=481,6 м сум

3.5 Алмаштириладиган жиҳозларнинг ликвидация этиш бахоси:

Кл=320,5х6,3=2016,6 м сум

3.6.Асосий фондга куйилмалар умумий хажми:

Кобщ=20715 +1035,75+1204+481,6+2016,6=23638

4.Янги вариант бўйича йиллик махсулот хажми харажатларини аниқлаш

4.1 Иш хаки харажатлари

Изп=1х220,0х12х350х1,2=5745,6 м.сум

4.2 Хона ижараси харажати

Иар=3,52х3,0х12=126,72 м сумм

4.3 Асосий фондлар амортизация харажатлари:

$$Иам = \frac{1567 \cdot 15}{100} + \frac{6127 \cdot 10}{100} + \frac{2765 \cdot 10}{100} + \frac{2256 \cdot 15}{100} = 156{,}7 + 612{,}7 + 276{,}5 + 338{,}4 = 1384{,}3$$

4.4 Техникавий хизмат харажати иссиклик иш хакига киритилади

4.5 Ишчи кийимларнинг эскириш харажати:

Исо=5745,6х0,06=344,7 м сумм

4,6 Электр энергия харажати

*ШХ-1,056* 1х0,47х0,091х350х0,3=4,5 м сум

*Совутгич прилавкаси Бирюза* 1х0,45х0,091х350х6х0,3=4,3

*ПВХ-1-0,30* 1х0,37х0,091х350х6х0,3=21,2 м сум

ШХ-0,4 1х0,45х0,091х350х6х0,3=25,7 м сум

Иээ=4,5+4,3+21,2+25,7=55,7

Умумий харажатлар:

Иобщ=5745,6+126,72+1384,3+344,7+55,7+402,1=8059,12

18-жадвал

**Келтирилган харажатлар ва йиллик самарадорлигининг жамланма ҳисоби**

| | Кўрсаткичлар | Киёслаш варианти | |
|---|---|---|---|
| | | базавий | янги |
| 1 | Асосий фондга куйилмалар умумий хажми | 5069 | 23638 |
| 2 | Асосий фондга келтирилган капитал куйилма ЕпхК (Еп=0,15) | 760,3 | 3545,7 |
| 3 | Йиллик махсулот хажмига кунлик харажатлари | 9554,1 | 8058,12 |
| 4 | Йиллик махсулот хажмига келтирилган харажатлар | 10314,1 | 11603,8 |
| 5 | Йиллик самарадорлик | - | 1289,7 |

Демак, совитиш жиҳозлврини қисман янгиларига алмаштирилиши йиллик самарадорлиги 1289,7 минг сумга тенг булар экан, Албатта бундай янгиланиш корхонанинг бошқа жиҳозлари гурухи бўйича хам олиб брилса корхонанинг келгусидаги истикболли ривожланишини белгилаш мумкин бўлади.

## 3.2.2. «Юлдуз» ресторан савдосида замонавий автоматларининг қўлланилишидан олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

19-жадвал

**Ҳисобланишлар натижасида чиққан маълумотлар**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Таққосланувчи вариантлар | |
|---|---|---|---|
| | | Базали | янги |
| Кунлик чакана товар айланиш | минг сум | 700 | 700 |
| Жиҳознинг йиллик ишлаш кунлари микдори | кун | 350 | 350 |
| Йиллик товар айланиш | минг сум | 245000 | 245000 |
| Хар бир жиҳознинг улгуржи нархлари: | | | |
| прилавка-витрина | | 447 | |
| ПВХС-1-0.5 "Пингвин-В" | | | |
| кайнатгич КНЭ-50М | | 69 | |
| термостат ЛСБ-6М | | 45 | |
| Буфет шкафи БШ-3 | | 588 | |
| буфет стойкаси БС-4 | | 137 | |
| ювииш ваннаси ВМСМ-1 | | 61,5 | |
| Идиш товоклар учун шкаф ШХП | | 27 | |
| автомат АТ-251 | | | 1600 |
| автомат АТ-151 | | | 2225 |
| автомат АТ-551 | | | 4355 |
| автомат АТ-453 | | | 3815 |
| Алмаштирувчи автомат Р-2 | | | 345 |
| Буфетда жиҳоз банд килувчи майдон: | М2 | 31,9 | |
| Керакли автоматларни урнатиш учун керакли майдон | М2 | | 8,3 |
| 1 сменада ишловчилар сони | киши | 2 | 0,5 |
| Соат тарифли ставкалар: | минг сум | | |
| Буфетчи 4 разядли | | 0,503 | |
| идиш товок ювувчилар 2 разядли | | 0,433 | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| автоматда хизмат кўрсатувчи механиқ 4 разядли | | | 0,53 |
| амортизация килиш нормалари: | % | | |
| Витрина прилавкаси учун, ПВХС-1.-0.5 Пингвин В | | 12 | |
| Кайнатгич КНЭ-50М | | 24,3 | |
| Термостат ЛСБ-6М учун | | 18,1 | |
| Шкаф буфет БШ-3 учун | | 15,7 | |
| Автомат буфет стойкаси учун БС-4, АТ-151 | | | 15 |
| Улчовли автомат Р-2 | | | 13 |
| Техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоблар: | сум | | |
| Прилавка- витрина, ПВХС-1-0.5 Пингвин - В | | 13,2 | |
| кайнатгич КНЭ-50М | | 7 | |
| Термостат ЛСБ-6М | | 8,8 | |
| Ювиш ваннаси ВМСМ-1 | | 4,1 | |
| жиҳозлар кувват: | кВт | | |
| Прилавка витрина | | 0,266 | |
| кайнатгич КНЭ-50М | | 6 | |
| Термостат ЛСБ-6М | | 0,4 | |
| Автомат АТ-151 | | | 4,5 |
| Автомат АТ-251 | | | 0,6 |
| Автомат АТ-453 | | | 0,75 |
| Автомат АТ-556 | | | 1,1 |
| Алмаштирувчи автомат Р-2 | | | 0,78 |
| | | | |

Ресторан савдосида замонавий савдо автоматларнинг қўлланилишидан келадиган иқтисодий самарадорликни хам юкорида келтирилган методдан фойдаланилган холда фойдаландик. Ҳисоблар натижасида олинган натижалаар жадвалга келтирилди.

20-жадвал

**Келтирилган харажатлар ва йиллик самарадорлигининг жамланма ҳисоби**

| | Кўрсаткичлар | Киёслаш варианти | |
|---|---|---|---|
| | | базавий | янги |
| | Асосий фондга куйилмалар умумий хажми | (1.5)5764,3 | (3.6)15359 |
| | Асосий фондга келтирилган капитал куйилма ЕпхК (Еп=0,15) | 864,6 | 2303,8 |
| | Йиллик махсулот хажмига кунлик харажатлари | (2.11)13646 | (4.7)9522,12 |
| | Йиллик махсулот хажмига келтирилган харажатлар | 14510,6 | 11825,9 |
| | Йиллик самарадорлик | - | 2384,6 |

Ҳисоблашлар натижаси шуни кўрсатдики овқатланиш корхонасидаг факат мавжуд автоматларни янгилаш натижасида йиллик иқтисодий самарадорлик 2384,6 минг сумга тенг булади. Шу билан бир каторда корхонада ишлаб чиқариш шароити замонавийлашади, бир катор кулайликлар вужудга келади.

### 3.2.3. Ресторан савдо залининг салқинловчи жиҳозларини қисман янгилашдан келадиган самарадорлигини ҳисоблаш.

Салқинловчи жиҳозларни алмаштиришдан келадиган самарадорликни ҳисоблаш учун келтирилган маълумотлар 21 жадвалда келтирилган.

Янгилашдан келадиган самарадорлигини аниқлашда юкорида келтирилган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш методидан , яъни база ва

янги жиҳозлар бўйича йиллик иқтисодий самарадорликнинг йиллик ишлаб чиқариш махсулотга келтирилган харажатлар бўйича ҳисобидан фойдаландик.

21-жадвал

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Қиёслаш варинатлари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | базали | янги |
| 1 | Улгуржи товар айланмаси 1 кунда | минг сўм | 6 000 | 6 000 |
| 2 | Жиҳозларнинг ишлаш вақти 1 йил давомида | кун | 350 | 350 |
| 3 | Йиллик товар айланмаси | минг сум | 45 000 | 45 000 |
| **4** | **Ҳар бир жиҳознинг улгуржи баҳоси:** | **Минг сўм** | | |
| 4.1 | Кондиционер AQ 24 | | 2 156 | |
| 4.2 | КондиционерFerette | | 3200 | |
| 4.3 | КондиционерFerette | | 3200 | |
| 4.4 | КондиционерBEKO OSI | | 545 | |
| 4.5 | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 824 |
| 4.6 | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 824 |
| 4.7 | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 824 |
| 4.8 | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 824 |
| **5** | **Жиҳозлар эгаллаган жой юзаси** | м2 | 1,9 | |
| 6 | Янги жиҳозларга керакли жой юзаси | м2 | | 0,4 |
| 7. | Ишловчилар сони,бир сменада | киши | 2 | 1 |
| 8 | Тариф соат ставкаси | минг сум | | |
| 8.1 | Зал мудири Vразряд | | 220 | |
| **9** | **Амортизация ўтказиш нормаси** | **%** | | |
| | Кондиционер AQ 24 | | 15 | |
| | КондиционерFerette | | 15 | |
| | КондиционерFerette | | 15 | |
| | КондиционерBEKO OSI | | 15 | |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 15 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 15 |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 15 |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 15 |
| **10** | **Техникавий хизмат кўрсатиш харажатлари** | **минг сум** | | |
| | Кондиционер AQ 24 | | 10 | |
| | КондиционерFerette | | 8 | |
| | КондиционерFerette | | 8 | |
| | КондиционерBEKO OSI | | 10 | |
| **11** | **Жиҳозлар қуввати** | **кВт** | | |
| | Кондиционер AQ 24 | | 1,54 | |
| | КондиционерFerette | | 1,75 | |
| | КондиционерFerette | | 1,75 | |
| | КондиционерBEKO OSI | | 1,35 | |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 1,35 |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 1,35 |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 1,35 |
| | *Кондиционер BEKO OSI* | | | 1,35 |

22 жадвал

**Келтирилган харажатлар ва йиллик самарадорлигининг жамланма ҳисоби**

| | Кўрсаткичлар | Киёслаш варианти | |
|---|---|---|---|
| | | базавий | янги |
| 1 | Асосий фондга куйилмалар умумий хажми | (1.5)9654,3 | (3.6)8770,6 |
| 2 | Асосий фондга келтирилган капитал куйилма ЕпхК (Еп=0,15) | 1448,1 | 1315,6 |
| 3 | Йиллик махсулот хажмига кунлик харажатлари | (2.11)11995,6 | (4.7) 11527,8 |
| 4 | Йиллик махсулот хажмига келтирилган харажатлар | 13443,7 | 12843,4 |
| 5 | Йиллик самарадорлик | - | 600,3 |

Ушбу алмашиб ҳисобдан кўринияптики йиллик самарадорлик 600,3 минг сўмни ташкил этади. Шунинг учун корхонадаги бошқа савдо жиҳозларини хам шу йул билан алмашиб йиллик самарадорликни ошириш мумкин экан. Шу билан бирга корхонада замонавий савдо жиҳозлари билан турли хилдаги кулайликлар вужудга келади.

Худди шунингдек, совитиш жиҳозларини қисман янгиларига алмаштирилиши йиллик самарадорлиги 1289,7 минг суига тенг булади, Ҳисоблашлар натижаси шуни кўрсатдики овқатланиш корхонасидаг факат мавжуд автоматларни янгилашдан натижасида йиллик иқтисодий самарадорлик 2384,6 минг сумга тенг булади. Демак Самарқанд “Юлдуз” ресторани инновацион моддий-техника базасини модернизациялаш билан 4274,61 минг сумга иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин экан.

## 3.3. Ресторанда хизмат кўрсатиш турларининг замонавий усулларини қўллаш

Ушбу таҳлил кўрсаткичлари визуал санаш ва формулалар билан ҳисоблаш йўли билан бажарилди. Ресторанда хизмат кўрсатиш таҳлил кўрсаткичлари 3.7-жадвалда келтирилган. “Юлдуз” ресторанида юқорида келтирилгандек хизмат кўрсатиш икки хил усул асосида: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва официантлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланилишини кўриб чиқдик.

Олиб борилган кузатишлар асосида ушбу хизмат кўрсатиш жараёнларини босқичларга, поғоналарга ва усулларга бўлиш мумкинлиги мақсадга мувофиқдир. Ресторан маҳсулотларни тарқатиш воситалари орқали таркибига совитилган ва совитилмайдиган витриналар, пештахталар ва 2 та экспресс-кофеварка мармитлар ва стойкалар киради. Буфетда ишловчилар маҳсулотни ўзлари етказиб беришади. Залда таомларни тик турган ҳолда столда истеъмол қилишади. Идишларни патнисга битта одам йиғади. Фойдаланилган идишлар столларда 5 дақиқагача қолиб кетади. Таомни истеъмол қилиш 4 дақиқа давом этади. Кўпинча истеъмолчиларнинг кириш

оқимининг интенсивлигини ва тарқатувчиларнинг чиқариш қобилияти истеъмолчилар сони, умумий овқатланиш корхоналари хизматларни рад этганлар сони, ўртача минимал ва максимал вақтда тарқатиш хоналарида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш вақти, хизмат кўрсатиш каналларини бандлик коэффициенти, ўртача ва максимал вақт кутиш, залнинг сиғими коэффициенти ва чиқариш қобилияти, “тарқатувчи-истеъмолчи” хизмат кўрсатиш тизимларининг бандлик коэффициенти асосида ҳисобланди.

**“**Юлдуз” ресторанида **х**измат кўрсатиш системаларини таҳлил қилишда қуйидаги ҳолларда олиб борилади:

- турли типдаги ошхона ва буфетлардан фойдаланишда самарадорликни баҳолаш, яъни хизмат кўрсатиш ва банд бўлган каналларнинг коэффициенти пастлигига таъсир этувчи омилларни очиб бериш;

- хизмат кўрсатиш вақтида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ўзгаришларни таҳлил қилиш, ўзгариш сабабаларини очиб бериш;

- залдан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш ва унинг чиқариш қобилиятининг пасайиши сабабаларини ўрганиш;

- фойдаланган, йиғилган идишларни ташкиллаштирилишини таҳлил қилиш;

- тўпланиб қолган навбатларнинг сабабини таҳлил қилиш, ҳамда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатига бахо бериш;

- ташкилот хизматидан фойдланишни хохламаслик сабабларини таҳлил қилиш,  хизмат кўрсатишларини хохламаганларнинг сонини аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш. Олиб борилган тадқиқот натижасида шуни кўрсатдики, ресторан моддий техника базсидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ресторан ишлаб чиқаришдаги жиҳозларни модернизация йўли билан яхшилаш замонавий ускуналардан фойдаланиш керак бўлади. Корхонада хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилаш учун хизматнинг янги хилларини жорий этиш лозим бўлади. Чунки, корхонада

истеъмолчиларнинг навбатда туриши, айниқса истеъмол хизматларини ололмай кетиб қолишлари корхонанинг имиджига таъсир этади.

Тадқиқот вақтида шу маълум бўлдики, эрталабки ўз-ўзига хизмат, кечки официантлар хизматидаги камчиликлар, таклиф этилаётган ассортимент, таомнома таркиби, кўп ҳолда айрим истеъмолчиларга маъқул бўлмасдан, охир оқибат улар кетиб қолиша ҳолатлари юз бермоқда. Ушбу ҳолат ресторан хизмат соҳасида қатта камчиликлардан дарак беради. Шунинг учун, биз қуйида бўлимда овқатланиш хизматида янги замонавий усулларни тадбиқ этиш билан унинг самарадорлигини оширишни кўриб чиқамиз.

“Юлдуз” ресторанида хизмат кўрсатиш жараёнини ташкиллаштириш хақидаги ахборотларни илмий асослаш учун аввало унинг асосий таркибини аниқлаш муҳимдир. Узлуксиз равишда истеъмолчиларнинг келиши (маълум бир вақт ичида (соат, дақиқа, истеъмолчилар сони, залга келиши) корхонанинг типи, овқатланувчиларнинг сони, уларнинг меҳнат ва дам олиш тартибига боғлиқдир. Саноат корхоналарининг ошхоналарида барча ишлар асосан конвейерга асосланган бўлса, истеъмолчилар оқими кўпроқ бўлади.

Хизмат кўрсатиш вақти ва тарқатиш қобилияти бу хизмат кўрсатишнинг шакли ва тарқатиш хонасининг типига боғлиқдир. Хизмат кўрсатишни кутиш вақти тарқатиш хонасига келган вақтга ёки залда таомни (ичимликни) олиб келгунга қадар кутишга тенгдир.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ташкилотларида экспресс-тушлик ресторанларида 5 дақиқадан кўп бўлмаган, официантлар томонидан махсус буюртмалар асосида кўрсатиладиган хизмат кўрсатишда эса 15 дақиқадан ортмаслиги шарт. Кутиш вақти белгиланган нормадан ортмаслиги учун истеъмолчиларнинг интенсив оқими тарқатиш қобилияти билан ўзаро мутаносибликда бўлиши шарт.

Агар истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги тарқатиш қобилиятидан ошса, унда навбат кутиш кўпаяди, аксинча эса тарқатиш- ўтиб қолиши мумкин.Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда истеъмолчиларнннинг умумий овқатланиш корхоналарида умумий вақти тарқатишда навбатга туриш,

олинган маҳсулотни столга олиб келиш ва уни истеъмол қилишга; официантлар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатишда - аванзалда хизмат кўрстишни кутиш, залга кириш, буюртмани кутиш, унинг бажарилишини кутиш, овқатланиш, дам олишдан иборат бўлиши керак.Жойни банд этиш – залда жойни эгаллаш, фойдаланилган идишларни йиғиш ва столларни сервировка қилишдан иборат. Иш, талаба ва ўқувчилар ошхоналарида 15 дақиқадан 25 дақиқагача, ҳаммабоп умумий овқатланиш корхоналарида 20 дақиқадан 30 дақиқагача, экспресс-тушлик ва нонушта ресторанларида эса 120 дақиқадан 160 дақиқадан иборат бўлиши талаб этилади.Залнинг тарқатиш қобилияти – бу жойларнинг сони, яъни маълум бир вақт оралиғида (15, 20, 25, 30, 40, 120 дақиқа) тарқатишнинг чиқариш қобилияти тушунилади.

Юқорида бажарилган “Юлдуз” ресторани мисолида олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ресторанларда хизматчи ва истеъмолчи тизимидаги хизмат кўрсатишни технологик модернизацияси ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни бажариш лозим бўлади:ресторанда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар реализацияси бўйича хизмат кўрсатиш, яъни официантлар томонидан ёки ўз ўзига хизмат кўрсатиш методи асосида олиб бориш керак; хизмат кўрсатишда тайёр маҳсулот реализацияси хизмат кўрсатиш методидан келиб чиқган ҳолда икки: тайёр маҳсулотнинг реализацияси ва истеъмолчи ташкиллаштириш босқичида олиб бориш лозим; тайёр маҳсулотнинг реализацияси (биринчи босқичи) официантлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар 3.1- расмда агар ўз ўзига  хизмат кўрсатиш бўйича бўлса; 3.1а- расмда келтирилган технологик жараёнлар тузилмаси асосида олиб борилишини таклиф этамиз; овқатланиш корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолини ташкиллаштиришда (иккинчи босқичда) официантлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар 3.2- расмда , агар ўз ўзига хизмат кўрсатиш бўйича бўлса, 3.2а- расмда келтирилган хизмат кўрсатиш технологик жараёнлар тузилмасидан фойдаланиш лозим.

## Тайёр маҳсулотнинг реализацияси
## (биринчи босқич)

| № | Асосий хизмат жараёнлари | Хизмат кўрсатиш жараёнларининг гуруҳлари | Гуруҳлар бажариладиган ишлар рўйхати | Бажариладиган ишлар сифати ва самарасини ошириш |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Тарқатишга тайёрлаш | Жиҳозларни ишга тайёрлаш | Жиҳозларни ёкиш ва кўриб чикиш | Носоз бўлса созлашга бериш ёки созлаш |
| | | | Касса аппаратини ишга тайёрлаш | Синовдан ўтказиш чек уриб кўриш |
| | | Тарқатиш жиҳозларини маҳсулотлар билан тўлдириш | Мармитларни маҳсулотлар билан тулдириш | 1 ва 2 овқатлар мармитларини мос равишда тўлдириш |
| | | | Муз генераторини озукавий музлар | |
| | | Буфетларни тайёрлаш | Товарларни олиш | Иссиқлик, совитиш жиҳозларини тўғри ишлашга ишонч ҳосил қилиш |
| | | | Товарлар билан таъминлаш | |
| 2. | Тайёр маҳсулотни олиш (тарқатиш) | Маҳсулотларни олиш хуқуқини | Таомни тайёрлаш учун буюртмани бериш | Буюртма аниқлигига ишонч ҳосил қилиш, чекга ва маҳсулот этикетига мос бўлишига эришиш |
| | | | Чекларни уриб бериш | |
| | | | Маҳсулотларнинг маркаларини кўрсатиш | |
| | | Таом ва ичимликларни тарқатиш | Асосий маҳсулотларни порциялаш | Порциялашда таомномада кўрсатилган вазнига мос бўлиши,безашда замонавий таом дизайни бажариш |
| | | | Гарнирларни порциялаш | |
| | | | Соусларни порциялаш | |
| | | | Таомни безаш | |
| | | Таом ва ичимликларни олиш | Маркаси тўғрилигини буфетга чек ва ҳужжатларни ошхонага бериш | Белгиланган ассортиментга олинган маҳсулотлар сақланиш муддатига риоя этиш |
| | | | Таомларни ва ичимликлларни олиш (ассортимент асосида) | |
| 3. | Тарқатиш хонасида ишларни тугатиш | Тарқатиш хонасини тозалаш | Қолган маҳсулотларни сақлашга бериш | Санитария гигиена қоидаларини, маҳсулотлар сақлаш режимини бажариш |
| | | | Иш жойини тозалаш | |
| | | Қилинган ишлар бўйича ҳисобот | Касса аппаратидан счётчик кўрсаткичларини ечиб олиш | Кўрсаткичларни олдингиси билан таққослаш, ҳужжатларни синчковлик билан текшириш |
| | | | Берилган маҳсулот киймати ва счётчикдаги кўрсаткич орасидаги богликлигини ҳужжаташтириш | |
| | | | Тушган даромадни топшириш | |

**5-расм. Официантлар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш жараёнининг тузилмаси**

## Истеъмолни ташкиллаштириш
## (иккинчи босқич)

| № | Асосий хизмат жараёнлари | Хизмат кўрсатиш жараёнларининг гуруҳлари | Гуруҳлар бажариладиган ишлар рўйхати | Бажариладиган ишлар сифати ва самарасини ошириш |
|---|---|---|---|---|
| | Истеъмолчиларни қабул қилиш жараёнига тайёргарлик кўриш | Истеъмолчилар учун биноларни тайёрлаш | Полларни тозалаш | Тозалаш ишларида замонавий техник воситалардан кенг кўламда фойдаланиш |
| | | | Гилам-дорожкаларни тозалаш | |
| | | | Мебелларни артиб чикиш | |
| | | | Моддий-техник таъминот предметлари билан таъминлаш | |
| | | Персонални хизмат кўрсатиш учун тайёрлаш | Иш бошлашдан олдин инструктаж ўтказиш | Инструктажда шахсий намуна кўрсатиш |
| | | | Шахсий тайёргарлик куриш | |
| | | Столларни сервировка қилиш | Стол бельёсини олиш | Ушбу ишларни бажаришда юқори касбий этикет қоидаларига риоя этиш, истеъмолчига ноқулай вазият яратмасдан барча сервировка ишларини олдиндан бажариш ёки иш даврида максимал диққатни ошириш |
| | | | Уни залга олиб келиш | |
| | | | Столларни дастурхон биллан безаш | |
| | | | Ошхона идишлари ва приборларини олиш | |
| | | | Уларни сайкаллаш | |
| | | | Зираворларни тайёрлаш | |
| | | | Столларга сервировка нарсаларини куйиш | |
| | | | Гулдонларни гул биан тайёрлаб куйиш | |
| | | | Идишларни, зираворларни, гулдонларни гул билан олиб келиш | |
| | Истеъмолчиларга залда хизмат кўрсатиш | Хизматни кўрсатиш учун буюртмаларни қабул қилиш | Истеъмолчиларни кутиб олиш | Бутун иш давомида истеъмолчилар билан мулоқотда, хизмат кўрсатувчилар ўзларининг ташқи кўринишларида санитария гигиена талабларини бажаришлари, вақт вақти билан хизмат кўрсатишда қўлланиладиган барча воситаларнинг тозалигига қатъий риоя этишлари |
| | | | Таом ва ичимликлар учун буюртма олиш | |
| | | Таом ва ичимликларни тарқатиш | Тайёр маҳсулотни залга олиб келиш | |
| | | | Уларни порциялаш | |
| | | | таом ва ичимликларни столга қўйиш | |
| | | Истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб | Ҳисоб-китобни расмийлаштириш | |
| | | | Пулли (талон бўйича) ҳисоб-китоб | |
| | | Янги буюртмаларни бажаришга тайёргарлик куриш | Фойдаланилган идиш ва салфеткаларни йиғиш | |
| | | | Уларни ювиш хонасига олиб бориб бериш | |
| | | | Тоза идиш ва салфеткаларни олиш | |
| | | | Уларни залга олиб келиш | |
| | | | Сервировка нарса-ларини столга куйиш | |

**6- расм. Официантлар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш жараёнининг тузилмаси**

## Тайёр маҳсулотнинг реализацияси
## (биринчи босқич)

| № | Асосий хизмат жараёнлари | Хизмат кўрсатиш жараёнларининг гуруҳлари | Гуруҳлар бажариладиган ишлар рўйхати | Бажариладиган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш |
|---|---|---|---|---|
| | Тарқатишга тайёрлаш | Жиҳозларни ишга тайёрлаш | Тарқатиш жиҳозларини ёқилганлигини кўриш ва текшириш | Жиҳозларни ишга тайёрлашда барча носозликларни олдиндан бартараф этиш, уларнинг санитар гигиеник ҳолатига эътибор бериш, олинган маҳсулотлар ва таомлар сифатини текшириш, яхшиланганлигини таъминлаш |
| | | | Ҳисоб-китоб юритадиган тармокни ишга тайёрлаш | |
| | | Тарқатиш жиҳозларини маҳсулотлар билан тўлдириш | Маҳсулотларни олиш (ошхонадан) | |
| | | | Пештахталарни ва совитадиган витриналарни, мармитларни маҳсулотлар билантўлдириш | |
| | Тарқатиш хонасида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш | Маҳсулотларни тарқатиш(ассортимент асосида) | Асосий маҳсулотларни порциялаш | Порциялашда ассортиментда кўрсатилган массасига риоя этиш, таомлар таркибини аралаштирмаслик, истеъмолчилар билан ҳисоб китобни тўғри расмийлаштириш |
| | | | Гарнирларни порциялаш | |
| | | | Соус ва бошқаларни порциялаш | |
| | | Истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш | Касса аппаратида чекларни уриб бериш | |
| | | | Пулли ёки абонементли ҳисоб-китоб қилиш | |
| | Тарқатиш хонасида ишларни тугатиш | Тарқатиш хонасини тозалаш | Қолган маҳсулотларни сақлаш учун топшириш | Тозалашда замонавий воситалардан фойдланилган ҳолда санитария гигиена қоидаларига риоя этиш. Расмийлаштиришда ҳужжатлар мослигини текшириш тўғрилигини таъминлаш |
| | | | Иш жойини тозалаш | |
| | | Қилинган ишлар бўйича ҳисобот | Касса аппаратидан счетчикнинг кўрсаткичини | |
| | | | Реализация қилинганмаҳсулотлар кўрсаткичи ва счётчикнинг кўрсаткичлари орасидаги мослигини ҳужжатлашти-риб расмийлашти-рилади | |

**7-расм. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёнининг тузилмаси**

## Истеъмолни ташкиллаштириш
## (иккинчи босқич)

| № | Асосий хизмат жараёнлари | Хизмат кўрсатиш жараёнларининг гуруҳлари | Гуруҳлар бажариладиган ишлар рўйхати | Бажариладиган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш |
|---|---|---|---|---|
| | Истеъмолчиларни қабул қилиш жараёнига тайёргарлик куриш | Истеъмол-чилар учун бинони (хоналарни) тайёрлаш | Мебел ва дераза остиларини артиш | Истеъмолчилар учун хоналарни шамоллатиб туриш, кондицирлаш,унинг ҳарорати, намлиги, ҳаво тезлиги комфорт талабида бўлишини таъминлаш |
| | | | Полларни ювиш (артиш), гиламли қопламаларни тозалаш | |
| | | | Кўрсатилган моддий-техник таъминот предметлари билантаъминлаш | |
| | | Столларни сервировкалаш | Гули вазаларни тайёрлаш | Сервировкани олдиндан ёки истеъмолчига ноқулайлик яратмасдан, юқорида даражада бажариш унинг тўлиқлигини таъминлаш |
| | | | Столларда идишларни сервировкалаш | |
| | | | Туз, зираворларни тайёрлаш, салфеткаларни, ошхона идишлари ва бошқаларни олиш | |
| | | Хизмат кўрсатишга персонални тайёрлаш | Иш кунининг бошида инструктажўтказиш | Иш куни давомида ташқи кўринишда касбий этикасига қоидаларини қатъийлик билан бажариш |
| | | | Шахсий тайёргарлик | |
| | Истеъмолчиларга залда хизмат кўрсатиш | Залларни тозалаш | Фойдаланилган идишларни йиғиш | Тозалашда замонавий воситалардан фойдаланиш, зални шамолатиш, кондицерлаш, комфорт метрологик ҳарорат, намлик ва ҳаво тезлиги шароитини яратиш |
| | | | Идишларни ювишхонасига бериш | |
| | | | Залда ва столларда тозаликка риоя қилиш | |
| | | Хизмат кўрсатиш жараёнини тартибга солиб туриш | Хизмат кўрсатиш учун тахминий буюртмаларни қабул қилиш | Барча ишларда хушмуомалада бўлиш, этика этикет қоидаларига риоя этиш |
| | | | Залга истеъмолчиларни келиш оқимини тартибгасолиш | |

**8- расм. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёнининг тузилмаси**

Таклиф этилган официантлар билан хизмат кўрсатиш ёки ўз ўзига хизмат кўрсатиш тузилмалардан хизмат кўрсатиш ходимлари сервис хизмат кўрсатиш вақтида бажаришлари шарт бўлган ишлар, уларнинг малака мажбуриятлари киритилишини таклиф қиламиз.

Юқорида қайд этилган хизмат кўрсатиш жараёнини технологик модернизациялаш, хизмат кўрсатиш ва банд бўлган каналларнинг фойдаланиш коэффициентини, овқатланиш залларидан фойдаланиш самарадорлигини, хизмат кўрсатишда навбат кутишни пасайтириш, хизмат кўрсатишни хоҳламаган истеъмолчилар сонини камайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини тубдан ўзгартириш ва ҳ.к.., самарадорлигини оширишга сабаб бўлади.

Худди шунингдек, умумий овқатланиш корхоналаридаги хизмат кўрсатишни самарадорлигини оширишда юқорида келтирилган хизмат кўрсатиш технологик жараёнлар тузилмаси ва олинган натижаларни
корхонада хизмат кўрсатиш соҳасидаги кадрларни ўргатиб уларда амалий кўникмалар ҳосил қилдириш лозим бўлади.

### 3.4. Корхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Репсубликаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмалари ва буйруқлари ташкил этади.

Конституциянинг IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоясига қаратилган. 36-моддада «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида «Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ва ҳ.к.) ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади» дейилган.

Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабр, №161-1), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий асоси яратилган.

Ресторанда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиб борилмоқда.

Ресторанда «Электротехник мосламалар тузилиши ва улардан фойдаланиш қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари» (ПИВРЭ), босим остида қўлланадиган идишларнинг тузилиши ва хавфсизлиги қоидалари, ГОСТ 12.1.005-76 нинг «Иш зонаси ҳавоси», ГОСТ 12.1.007-76 га асосан заҳарли моддалар организмга таъсир кўрсатиш даражаси ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ хўжалик фаолияти юритилмоқда.

Ресторанда меҳнат шароити зарарли ва хавфли савдо ҳудудларида, яъни ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга белгилаган меъёрларда бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари таъмин этиб борилмоқда.

Ресторанда умумий, табиий ва маҳаллий шамоллатиш тизимлари бўйича аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга ошириб келинмоқда.

**Ресторанда электр ва ёнғин хавфсизлиги**

Ресторанда «Электротехник мосламалар тузилиши қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари», электр жиҳоз ва қувватларидан фойдаланиш қоида ва йўриқномаларига амал қилиниб келинмоқда. Корхонада ёритиш талаблари ва меъёрларидан келиб чиқиб иш жойлари ва корхона ҳудуди етарли даражада ёритиш манбъалари билан таъминланган.

Одамни ток уриш ҳолати ҳам тўрт даражада баҳоланади:

I. – даражада одам хушини йўқотмайди, мускуллар қисқаради;

II. – даражада мускуллар қисқаради, хушини йўқотади, лекин нафас олиши сақланиб, юрак ишлаб туради;

III. – даражада нафас олиши, юрак фаолияти бузилади, хушини йўқотади;

IV. – даражада ток уриш билан қон айланиши ва нафас олиш тўхтаб, клиник ўлим юз беради.

Ўзгарувчан ток (50 Гц да) ўзгармас токка нисбатан хавфли ҳисобланади. Хавфсиз ўзгарувчан ток кучи миқдори 10 мА, ўзгармас ток учун 50 мА қабул қилинган. Таъсир этадиган вақт эса 0,01 – 0,03 секундни ташкил этади, вақт ортиб бориши билан (0,2-1 с) юрак фаолияти ўзгаради.

**Ресторанда ёнғин хавфсизлиги ва уни ўчириш.**

Корхонанинг идора биноларида «Ёнғин хавфсизлиги қоидалари» ва ГОСТ 12.2.047-80 «Ўт ўчириш техникаси. Атама ва қоидалар»га амал қилингани ҳолда таъминланган. Ҳар бир ҳудудда, дўконларда ёнғин хавфсизлиги бўйича эвакуация чизмалари ва ўт ўчириш воситалари, кўпик билан тўлдирилган балончалар 2 га яқин, қум, челак, болта ва лопатка, лом кабилар билан таъмин этилган. Ушбу ўт ўчириш воситалар жамланмаси корхона бўйича 16 тани ташкил этади.

Ресторан раҳбари жавобгарлиги остида, ҳар бир иш урнида бошлиғи ва омбор мудирлари каби масъул шахслар жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Шу ўринда ёнғин ўчириш воситалари ва йўлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Карбонат агидрид газини ёнғин чиққан зонага йўналтириш натижасида у ердаги ҳавонинг таркибида кислород миқдорини камайтириш орқали ёнғин ўчирилади. Инерт газлардан азот ва аргон ёнғинни ўчиришда ишлатилади.

Тутун газларда кислород миқдори ҳаводагидан бирмунча кам бўлиб, тахминан 18-19 %ни ташкил қилади. Бу газлар охиригача ёндирилса, ундаги кислород миқдорини 5-6 %гача тушириш мумкин. Ингибиторлар.

Саллоидланган углеводлар ёниш реакциясига кимёвий сусайтиргич орқали таъсир кўрсатиб ёнғинни тўхтатади.

Кукунли бирикмалар ёнаётган газлар, енгил алангаланувчан, ёнувчан суюқликлар, кучланиш остида бўлган электр ускуналарини ўчиришда ишлатилади. Кўпик ёнаётган юзага тушгач, уни қоплаб олиб, кислород киришидан тўсади ва ажралиб чиқаётган суюқлик ёнаётган юзани совитади.Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Корхоналарда мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан бахоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун  муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бўлим бўйича хулоса шуки, ресторанда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги доирасида техника, электр ва ёнғин хавфсизлигининг  барча меъёрий ҳуқуқий талабларига риоя этилган ҳолда  амалий ишлар, чора ва тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

## Хулоса ва таклифлар

Умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг модернизацияси – бу корхоналарни янгилаш, такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш, умумий овқатланиш хизматларини, уларни сифат кўрсаткичларига мос келтири ривожланишнинг турли йўлларини танлаш билан ундаги овқатланиш ва савдо хизматлари сифатини ошириш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш долзарб ҳисобланади.

Республикада, хусусан Самарқанд шаҳрида фаолият олиб бораётган овқатланиш корхоналари субъектлари, ҳамда “Оби–Рахмат”МЧЖ овқатланиш корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш тадқиқотниннг объекти бўлса, унинг предмети: Самарқанд шаҳар овқатланиш корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш ва унинг рақобат бардошлигини таъминлаш билан боғлиқ илмий-назарий ва услубий муносабатларни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсади бўйича овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш йўли билан ривожлантириш ҳисобланиб куйидагилар бажарилди:

- умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар сифатини омиллари ва сифатини назоратини олиб бориш, назарий муаммолари таҳлилини олиб борилди;

- овқатланиш ва савдо корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш билан , кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш билан истеъмолчилар сони оширилди.

- умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичлари тизимини такомиллаштирилиб, умумий овқатланиш корхонларида кўрсатиладиган хизматларни яхшилашда замонавий

технологиялардан фойдаланиш билан бирга хизмат кўрсатувчи официантлар хизматини яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Инновациянинг мазмун моҳияти ва Ўзбекистонда инновацияга бўлган муносабатлар таҳлили бажарилиб, овқатланиш корхоналарида техник-технологик инновацияларнинг жалб этилиши унинг самарадорлигини ошириш омиллари аниқланди;

- Самарқанд шаҳар "Оби Рахмат" МЧЖ овқатланиш корхонасининг умумий иқтисодий фаолиятининг таҳлили асосида, корхонада инновацияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган омилларни сўров ва баҳолаш методлари орқали аниқланиб, техник-технологик инновацияларни қўллаб хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш кўрсатилди;

- Корхонада тадбик этилган техник-технологик инновацияларни самарадорлигини ҳисоблаш методи ёрдамида, унинг ишлаб чиқаришида янги жиҳозлар ва хизмат кўрсатишда унинг турларининг замонавий усулларини қўллаш билан корхона самарадорлигини ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

«Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида қарори га асосан: илмий ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини фаоллаштириш, фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб-чиқиш ва жорий этишда илмий-инновацион салоҳиятдан ва илмий лаборатория базасидан самарали фойдаланиш бўйича шароитлар яратиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар Академияси хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонасини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига айлантирилди.Жумладан унга, халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш,

янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришни янги инновацион ютуқлар асосида жадаллаштириш ва иқтисодиёт таркибини такомиллашишига боғлиқ бўлади. Бундай вазифаларни бажаришда унинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш ва мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади.

Самарқанд шаҳар “Оби Рахмат” МЧЖ мисолида овқатланиш корхоналарига инновацияларни жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга эришилди

“Оби Рахмат” МЧЖ мисолида овқатланиш корхонанинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари асосида иқтисодий фаолиятининг тавсифланиб Ўзбекистонда ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эхтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

“Юлдуз” ресторани асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, корхонанинг кейинги йиллардаги ривожланиши учун бизнинг фикримизча барча асослар мвжуд булсада, лекин келгусида купгина модернизация ишларини олиб бориш, жумладан истеъмолсиларга кўрсатилаётган овқатланиш ва савдо хизматлар сифатини яхшилаш лозим булади

Корхона ўзининг махсуслик хусусиятларидан келиб чиқган ҳолда унинг асосий фондининг бир қисми (машиналар, жиҳозлари ва асбоблари) ундаги ишлаб чиқаришдаги овқатлар, ярим тайёр маҳсулотлари хом ашё ва бошқаларнинг ишлови учун қўлланилса, қолганлари унинг реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш учун фойдаланилади.

Корхонада инновацияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган омилларни сўров ва баҳолаш усуллари орқали аниқланиб бахоланди ва чора тадбирлар ишлаб чикилди.

“Юлдуз” ресторани инновацион фаолиятининг ривожланишига қаршилик этувчи ва унга таъсир этувчи омиллар рейтинги шуни кўрсатдики, корхоналарни модернизациялашда энг аввало маҳсулот сифатини яхшилаш,унинг ассортиментини кенгайтириш,стандартлар талабларини қондириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва ходимлар малакасини ошириш керак. Демак, бунинг учун корхона моддий техника базасини, унинг асоси ҳисобланган техник-технологик базасини вақт вақти билан замонавий, иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган техника ва технологиялар билан алмаштириш керак бўлади. Бундай вақтда табиий ҳолатки, корхонанинг қайси техника технологияни янгилаш керак деган амалий савол вужудга келади. Буннинг учун корхонадаги мавжуд техника технологиялар асосида унинг “техник - иқтисодий даражаси”ни аниқлаш лозимлигини таклиф этамиз. Чунки, корхона моддий техника базасининг асосий қисмини унинг ассортиментини кенгайтирувчи стандарт талабларни қондирувчи, меҳнат шароитини яхшиловчи, юқори малакали ишчиларни талаб қилувчи ва ҳ.к.. ҳисобланади.

Шунинг учун биз ишимизда “Юлдуз” ресторани мисолида ушбу хизмат кўрсатиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида тадқиқотни бажардик. Ресторанда сервис хизмат кўрсатиш жараёнларини илмий тадқиқ қилишда биз хронологик ва фотографик кузатиш методини қўлладик. Бунда тадқиқот объекти бўлиб “Юлдуз” ресторанидаги истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат кўрсатишдаги «Тарқатувчи - истеъмолчи» хизмат кўрсатувчи системаси олинди

Таҳлил жараёни шуни кўрсатдики, таҳлил қилинаётган корхонада 11 соат вақт оралиғида истеъмолчи оқими 1574 кишини ташкил этган бўлса, хизмат кўрсатишдан бош тортганларнинг бўлиши кузатилди.

“Оби Рахмат” МЧЖ га қарашли “Юлдуз “ ресторани мисолида техник-технологик инновацияларни қўллаб хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича, корхона совитиш жиҳозлари, ресторан савдосида замонавий автоматларининг қўлланилишидан, савдо залининг салқинловчи

жиҳозларини қисман янгилашдан бўйича иқтисодий самарадорлигини ҳисоблари бажарилди. Жумладан, совитиш жиҳозлврини қисман янгиларига алмаштирилиши йиллик самарадорлиги 1289,7 минг сумга тенг булар экан, Албатта бундай янгиланиш корхонанинг бошқа жиҳозлари гурухи бўйича хам олиб борилса корхонанинг келгусидаги истикболли ривожланишини белгилаш мумкин булади.

Автоматларининг қўлланилишидан ҳисоблар шуни кўрсатдики овқатланиш корхонасидаг факат мавжуд автоматларни янгилаш натижасида йиллик иқтисодий самарадорлик 2384,6 минг сумга тенг булади. Шу билан бир каторда корхонада ишлаб чиқариш шароити замонавийлашади, бир катор кулайликлар вужудга келади.Худди шунингдек, залининг салқинловчи жиҳозларни янгилашдан 600,3 минг сумни ташкил этади. Шунинг учун корхонадаги бошқа савдо жиҳозларини хам шу йул билан алмашиб йиллик самарадорликни ошириш мумкин экан. Шу билан бирга корхонада замонавий савдо жиҳозлари билан турли хилдаги кулайликлар вужудга келади.

Худди шунингдек, совитиш жиҳозлврини қисман янгиларига алмаштирилиши йиллик самарадорлиги 1289,7 минг суига тенг булади, Ҳисоблашлар натижаси шуни кўрсатдики овқатланиш корхонасидаг факат мавжуд автоматларни янгилашдан натижасида йиллик иқтисодий самарадорлик 2384,6 минг сумга тенг булади. Демак Самарқанд “Юлдуз” ресторани инновацион моддий-техника базасини модернизациялаш билан 4274,61 минг сумга иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин экан.

“Юлдуз” ресторанида юқорида келтирилгандек хизмат кўрсатиш икки хил усул асосида: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва официантлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланилишини кўриб чиқдик, уларнинг замонавийлари танлаб амалиётга тадбик этиш тавсия этилди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 18 апрел 2016 йил.

2. Оборудование предприятий общественного питания: Тепловое оборудование. Учеб. пособие / М.П.Могильный, Т.В.Калашнова, А.Ю.Баласанян; Под ред. М.П.Могильного. – М.: Издательский центр “Академия”, 2004. – 192 с.

3. А.Н.Стрельцов, В.В.Шишов. Холодильное оборудование предприятий торговли и общественного питания. – М.: НПРО: Издательский центр “Академия”, 2003- - 272 с.

4. Б.К.Тюнков. Электронная техника предприятий торговли. – М.: КНОРУС, 2006. – 192 с.

5. Каталог отечественного оборудование для предприятий общественного питания. – М.: ТФ Диалог Плюс, 2002. – 25 с.

6. Каталог оборудования. – М.: Русский проект, 2002. – 40 с.

7. Оборудование предприятий торговли и общественного питания: Полный курс / Под ред. В.А.Гуляева. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 543 с.

8. Основные виды и характеристика оборудования для оснащения предприятий общественного питания. – М.: Ф. Торговый Дизайн. – 2002. – 60 с.

9. Технические характеристики технологического оборудования. Проспект. – Саратов: ОАО завода “Продмаш”, 2003. – 25 с.

10. Шепелев А.Ф., Печенежская И.А., Гиссин В.И. Торгово-технологическое оборудование. – М.: Приор, 2001. – 224 с.

11. Щеглов Н.Г. Гайворонский К.Я. Технологическое оборудование для предприятий общественного питания и торговли. – М.: Деловая литература, 2001. – 480 с.

12. В.М.Калинина. Техническое осношение и охрана труда в предприятий общественного питания. – М.: Издательский центр “Академия”, 2003. – 420 с.

13. Н.Г.Улейский. Механическое и тепловое оборудование предприятий общественного питания. – М.: Издательский центр “Академия”, 2004ю – 360 с.

14. Б.Эшқувватов. Технологик жиҳозлар ва уларни лойиҳалаш асослари. – Т.:, “Фан ва технология”, 2006. – 384 б.

15. Ж.М.Қурбонов. Технологик жиҳозларни лойиҳалаш асослари. – Самарқанд, СамКИ, 2002. – 136 б.